СССР Давлат китоб палатаси
Инв. 47
Госкнижная палата УзССР
1 МАР 1983

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 72 (5063).
31 МАРТ 1983 й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ГЕНИАЛ МУТАФАККИР, ОТАШИН РЕВОЛЮЦИОНЕР

КАРЛ МАРКС ТУҒИЛГАН КУННИНГ 165 ЙИЛЛИГИГА ВА ВАФОТ ЭТГАН КУННИНГ 100 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАБ МОСКВАДА ЎТКАЗИЛГАН ТАНТАНАЛИ МАЖЛИС.

30 март куни Москвада, ССР Иттифоқи Большой театрида Карл Маркс туғилган куннинг 165 йиллигига ва вафот этган куннинг 100 йиллигига бағишланган тантанали мажлис бўлди.

Залда пойтахт ишчилар синфининг, Москва области қишлоқ хўжалик меҳнаткашларининг вакиллари, партия ветеранлари, олимлар, маданият арбоблари, Совет Армияси жангчилари ўтиришди. Социалистик мамлакатлар дипломатия ваколатхоналарининг бошлиқлари ҳам шу ерда ҳозир бўлишган.

Саҳна тўрига Маркс портрети туширилган байроқ осиб қўйилган. Унинг устига «Коммунистик партия манифести»да илк бор янграган «Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!» деган сўзлар ёзиб қўйилган.

Тантанали мажлис қатнашчилари **Ю. В. Андропов, Г. А. Алиев, М. С. Горбачев, В. В. Гришин, А. А. Громико, Н. А. Тихонов, Д. Ф. Устинов, К. У. Черненко, В. И. Долгих, В. В. Кузнецов, Б. Н. Пономарев, М. В. Зимянин, И. В. Капитонов, К. В. Русаков, Н. И. Рижков** ўртоқларни гулдурос, давомли қарсаклар билан ўринларидан туриб кутиб оладилар.

Ленин партиясининг ветеранлари, партия, совет ва жамоат ташкилотларининг раҳбарлари, саноат ва қишлоқ хўжалигининг илғорлари, таниқли фан ва маданият арбоблари, ҳарбий бошлиқлар ҳам президиумдан жой оладилар. Бу ерда Уругвай Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Р. Арисменди, Чили Компартиясининг Бош секретари Л. Корвалан бор эди.

Тантанали мажлисни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари **В. В. Гришин** очди.

Шу кунларда барча мамлакатларнинг коммунистлари, тараққийпарвар инсоният, деди у, илмий коммунизм асосчиси, гениал мутафаккир, оташин революционер, жаҳон пролетариатининг йўлбошчиси ва устози Карл Маркс туғилган куннинг 165 йиллиги ва вафот этган куннинг 100 йиллигини нишонламоқдалар.

Совет кишилари меҳнаткашлар бахт-саодати учун мислсиз курашчи — Карл Марксннг ёрқин хотирасини ҳурмат билан эъзозламоқдалар. Улар ўзларининг фидокорона кураши билан марксизм-ленинизмнинг улуғ идеалларини муваффақиятли амалга оширмоқдалар. Мамлакатимиз меҳнаткашлари Коммунистик партия ва унинг Марказий Комитети раҳбарлигида бундан буён ҳам Маркс ва Ленин кўрсатиб берган йўлдан, коммунизм қурилиши йўлидан қатъият билан олга бораверадилар.

«Маркс таълимоти — ҳаракат учун қўлланма» деган мавзуда доклад қилиш учун КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, КПСС Марказий Комитетининг секретари **Б. Н. Пономаревга** сўз берилади. **(Доклад тонгги газеталарда эълон қилинмоқда).**

Доклад эътибор бериб тингланди ва бир неча марта қарсаклар билан бўлиниб турди.

Тантанали мажлис ёпиқ деб эълон қилинади. «Интернационал» янграйди.

Шундан кейин санъат усталари концерт қўйиб бердилар (ТАСС).

Октябрь бозорининг янги 2000 ўринли корпуси қурилиши жадал суръатлар билан олиб бориляпти.

СУРАТДА: 11-қурилиш трести 1-қурилиш бошқармасининг янги бозор қурилишида ишлаётган электр-пайвандчилари Ҳ. Мамаюнусов (чапда) ва А. Макаров.

А. Тўраев фотоси.

• ДОЛЗАРБ МАВЗУ

ЁЗГИ ВАҚТГА

Эртага Совет Иттифоқи территориясида соат стрелкалари бир соат олдинга сурилади ва биз ёзги вақт бўйича яшай бошлаймиз. Биз бу вақтга у жорий этилгандан бошлаб, уч йилдан бери ўрганиб қолганмиз. Ёзги вақт экономика учун фойдали: электр сарфи анча камаяди. Бу вақт ҳар биримиз учун ҳам фойдали: дам олиш учун ортиқча бир соат қўшилади.

Бугун ёстиққа бош қўяр эканмиз, қуёш нинг дастлабки заррин нурлари таралаётган пайтда туриш учун соат стрелкаларини бир соат олдинга суриб қўямиз.

Эртага биз ўз ишларимизни бажаришга алоҳида меҳнат кайфияти билан киришамиз. Кўчада баҳор, уйғонаётган табиатнинг ўзи бизга куч-қувват бахш этади. Барчанинг иши кўп. Иш сменаси давомида кунлик топшириқни бажаришга улгуриш, лойиҳани тугаллаш, қабул қилинган мажбуриятлар бажарилишига муносиб ҳисса қўшиш керак бўлади. Илғорларнинг режаси янада улкан— йиллик планни Тошкентнинг 2000 йиллигига қадар бажаришлари керак.

Ўз вақтида муваффақиятли бажарилган иш яхши кайфият уйғотиши ҳар биримизга аён. Ёзги вақт жорий этилиши натижасида пайдо бўлувчи ортиқча ёруғ кун дам олишни яхшилашга, саломатликни мустаҳкамлашга хизмат қилади. «Саломатликни нега мустаҳкамлар экан? Ахир, энди барвақт туриш керак?» деб сўраши мумкин ҳамма нарсадан шубҳаланадиган айрим кишилар. Улар бунда энди ликда очиқ ҳавода кўп бўлишларн, саломатлик учун фойдали ультрабинафша нурларининг фойдалилигини ҳисобга олмасалар керак. 1 апрель куни қўёш соат 8 дан 8 минут ўтганда чиқади. Апрелда куннинг узунлиги бир соатга узаяди. Медицина тадқиқотлари қўёшли куннинг қанчалик фойдали эканлигидан дарак беради. Масалан, сиз ким кўпинча сунъий электр ёруғидан фойдаланиб очиқ ҳавога кам чиқса, унинг организми учун табиий қўёш нурининг танқислиги пайдо бўлишини биласизми? Бундай кишилар тез чарчашади, кўп шамоллашади, уларда сурункали касалликлар кучаяди, асабларн бўшашиб, қувватсизликни ҳис этишади.

Ўзларининг кўп вақтларини хоналарда (кино, телевизор ёнида) ўтказувчи кўпчилик шаҳарликларда қишлоқда яшовчиларга нисбатан «нур етишмовчилиги» кўпроқ пайдо бўлади. Уларнинг юзларида қизилликни аҳён-аҳёнда кўриш мумкин, улар бўшашиб юришади, тез чарчашади, касалликларга чалинишади. Организм функцияларининг бузилиши натижасида кишининг ташқи қиёфаси, меҳнат қобилияти ўзгаради. Нур танқислигини бартараф этишнинг энг ишончли воситаси қуёш ультрабинафша нурлар сочаётган пайтда (эрта тонгда ва тушдан кейин) очиқ ҳавода бўлишдир. Агар сиз ишга бориш ва ишдан қайтишда пиёда юришга ўрганган бўлсангиз, ишдан кейин кечқурун ҳафтада бир марта бўлса ҳам дам олиш зоналарига борсангиз саломатлигингизни анча мустаҳкамлайсиз.

Ёзги вақт жорий этилишининг иқтисодий ва ижтимоий мақсадга мувофиқлиги амалда исботланган. Сутканинг ёруғ вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида айрим мамлакатларда аллақачондан бери минтақа вақтига нисбатан соатни бир соат олдинга ёзги вақтга суришяпти. Уни 1870 йилда Канада темирйўл инженери Сандфорд Флеминг жорий этган. У ер юзасини меридианлар билан 24 минтақага бўлишни таклиф этган. Ўшанда ҳар бир минтақада қўшнисидан бир соат фарқ қилувчи ягона вақт белгиланган эди. Бу минтақалар соат минтақалари деб, улардаги вақт эса — минтақа вақти деб атала бошланди.

— Бизнинг мамлакатимизда минтақа вақти, — дейди Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг астрометрия институти фундаментал астрономия бўлими мудири О. Турсунов, — Халқ Комиссарлари Советининг Декрети билан 1919 йилда жорий этилган эди. Айни пайтда, СССР территориясида жойлашган 11 соат минтақаси — 2-дан то 12-га қадар белгиланган эди. Соат минтақалари чегаралари меридианлар бўйлаб аниқ ўтказилмади. Акс ҳолда улар шаҳарларни кесиб ўтган ва унда бир шаҳарда икки хил вақт бўлиши мумкин эди. Шу боисдан минтақалар чегаралари табиий чегаралар бўйлаб, территориянинг маъмурий бўлиниши ҳисобга олинган ҳолда ўтади. 1981 йилга қадар Сибирь ва Узоқ Шарқ территориясида минтақа чегаралари дарёлар ўзани, ирмоқлар ва меридианлар бўйлаб ўтар эди. Лекин бу районларнинг барқ уриб ривожланиши мамлакатимиз географиясини ўзгартириб юборди. Янги шаҳарлар, районлар, областлар пайдо бўлди. Шарқда территорияни маъмурий-хўжалик жиҳатдан лигича бўлиш амалга оширилди. Бу минтақалар чегараларини қайта кўриб чиқишни талаб этар эди. Бундан ташқари вақтни минтақалар бўйича ҳисобга олишда нуқсонлар бўлиб, бу электр энергияси ва ёнилғи ресурсларининг ортиқча сарфланишига сабаб бўларди. Экономика мақсадларида «ёзги» вақтга ўтилиши кўзда тутилди. «Ёзги» вақт илгари ҳам жорий этилган. Ёзги вақт 1930 йилга қадар махсус қарорлар билан жорий этилар ва бекор қилинар эди. Лекин, кейин жорий этилган ёзги вақт бекор қилинмади ва бутун йил давоми учун қолдирилди. Минтақа вақтидан бир соат фарқ қилувчи бу вақт декрет вақти деб атала бошланди. СССРда иккинчи соат минтақасининг декрет вақти Москва вақти деб аталади. Москва вақти умумжаҳон вақтидан уч соат илгаридир.

ШУНДАЙ ҚИЛИБ, ЭРТАГА БИЗ МАМЛАКАТИМИЗДА 1981 ИИЛДА ЖОРИЙ ЭТИЛГАН ЁЗГИ ВАҚТ БЎЙИЧА ЯШАЙ БОШЛАЙМИЗ. БУГУН КЕЧҚУРУН УИҚУГА ЕТИШ ОЛДИДАН ЎЗ СОАТЛАРИНГИЗНИНГ СТРЕЛКАЛАРИНИ БИР СОАТ ОЛДИНГА СУРИБ ҚЎЙИШНИ УНУТМАНГ!

Идеология ишлари хроникаси

КЎРГАЗМАЛИ АГИТАЦИЯ КУЧАЙТИРИЛДИ

Жонажон пойтахтимиз — Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш юзасидан районларда кенг миқёсда иш олиб бориляпти. Октябрь районида сиёсий ва кўргазмали агитациянинг аҳволи ва уни янада кучайтириш масаласини кўриб чиқди. Унда саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, муассасалар партия ташкилотларининг секретарлари қатнашдилар.

«Малина» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси ва бошқа муассасалар партия ташкилотларининг ана шу борада олиб бораётган ишлари таҳлил этилди. Районда кўргазмали ва сиёсий безатишга айниқса муҳим эътибор бериляпти. Масалан, Навоий, Ново.Узбекистанская кўчаларини кўргазмали сиёсий безатиш бўйича янги тадбирлар мажмуаланди. Шунингдек, Навоий кўчасидаги Санъат саройи қаршисида барпо этилаётган район ахборот марказини тезроқ битказиш чоралари кўрилляпти.

ТУРАР ЖОЙЛАРДА ЛЕКЦИЯ ПРОПАГАНДАСИ

КПСС Марказий Комитетининг «Идеологик, сиёсий-тарбиявий ишларни янада яхшилаш тўғрисида»ги қарори асосида иш юритаётган район лекторлари аҳоли турар жойларида ўқилаётган лекциялар мазмунини янада бойитиш, аҳоли талаб-эҳтиёжларини тўлароқ ҳисобга олиш, уларни қизиқтираётган масалаларга жавоб беришга интилмоқдалар.

50 нафар тажрибали лектор КПСС ва Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсати, халқаро аҳвол, мамлакатимиз, республикамиз ва шаҳримиз ҳаётига киритаётган муваффақиятлар ҳақида маҳаллаларда қизиқарли суҳбатлар ўтказишяпти. Масалан, 1-микроучастка, «Янги шаҳар», «Илғор» маҳаллаларида ва бошқа жойларда лекция пропагандаси жонлантириб юборилган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ҳузуридаги партия тарихи институти ходимлари, Абу Райҳон Беруний номидаги Тошкент политехника институти олимлари, мутахассислар, бир қатор лекторлик группалари бу ишда фаол қатнашмоқдалар. Райондаги мавжуд 45 та микроучастка лекция пропагандасини янада кучайтириш тадбирлари кўрилмоқда.

Машинасозлар

ЁШ КОММУНИСТЛАР АКТИВЛАШМОҚДА

Станокчилар Учқун Режаматов билан Владимир Кузнецов тайёрлаган рефератлар «аъло» баҳо билан қабул қилинди. Уларнинг иккаласи ҳам «Ташсельмаш» заводидаги ёш коммунистлар мактабида ўқишади, ўз илмий ишларини жамоат ишлаб чиқариши самарадорлигини ошириш проблемаларига бағишладилар.

Рефератларнинг авторлари партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитети 1982 йил ноябрь Пленуми қарорларида асослаб берилган назарий қоидаларни корхона ҳаётидан олинган мисоллар билан мустаҳкамладилар. Бунда уларнинг тажрибаси ҳам қўл келди. Рандаловчи У. Режаматов ва токарь В. Кузнецов ўзлари бажараётган операцияларни бирга қўшиб олиб бориш ва меҳнатни илмий ташкил этиш ҳисобига ўз станокларида беш йиллик бошидан бери ишлаб чиқариш унумдорлигини бир ярим баравар оширдилар. Улар асбобсозлик цехида биринчи бўлиб янги универсал пахта териш машиналарини кўплаб ишлаб чиқариш учун заводга зарур бўлган деталлар туркумига ишлов беришни тугалладилар.

«Ташсельмаш» заводида ёш коммунистларнинг ўқиши уларнинг корхона ишлаб чиқариш фаолиятини такомиллаштиришдаги актив иштироки билан боғлаб олиб борилмоқда. Мактаб тингловчилари бригада ва цехларнинг «Намунали интизом ва тартиб коллективи» номини олиш учун бошланган социалистик мусобақа ташаббускорлари бўлиб чиқдилар. Улар интизомни бузувчиларни танқид қилувчи сатирик варақалар ва плакатлар чиқарилишига ёрдам бердилар. Ёш коммунистлар У. Режаматов ва В. Кузнецов эса ички резервлардан фойдаланиш ҳисобига йиллик топшириқларни сентябрь ойигача бажаришга сўз бердилар.

(ЎзТАГ).

Олимлар

ШОНЛИ САНАГА БАҒИШЛАБ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Тарих институтининг ва бошқа илмий муассасаларнинг олимлари шу кунларда Тошкент самолётсозларининг меҳнатчилари бўлишди. Улар корхона цехларида Тошкентнинг 2000 йиллигига бағишлаб лекциялар ўқидилар. Лекторлар шаҳарнинг саноат, илмий ва маданий потенциали қандай қилиб тез ўсаётганлигини, тошкентликлар Советлар мамлакатининг қудратини, халқларнинг ленинча дўстлигини мустаҳкамлаш ишига қанчалик катта ҳисса қўшаётганликларини ёрқин мисоллар асосида кўрсатиб бердилар.

Самолётсозларнинг уй-жой бинолари яқинидаги кинотеатрларда тематик кинолекторийлар очилди. Шаҳарга оид фильмлар намойиш қилинмоқда, шу фильмларни кўрсатиш олдидан лекциялар ўқилмоқда. Маданият саройи олдидаги майдонда катта виставка ташкил қилинмоқда. Бу виставка Ўзбекистон пойтахти ҳаётининг турли босқичларини кўрсатиб беради. Виставка бўлимларидан бири В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг ўтмиши ва ҳозирги куни тўғрисида ҳикоя қилади.

Бошқа корхоналарда ҳам Тошкентнинг 2000 йиллигига тайёргарлик қизғин олиб борилмоқда. Корхоналарнинг цехларида ва ишчи клубларида лекциялар ўқилмоқда, меҳнаткашларнинг шаҳар ветеранлари билан, олимлар, архитекторлар билан учрашувлари ташкил этилмоқда. Кўпгина маҳаллаларнинг активлари юбилейга бағишланган дастлабки кечаларни ўтказдилар.

ГЎЗАЛЛИК ОЛАМИДА

Тошкентдаги микрорайонлардан бирида жамоатчилик асосида ишлаётган Сергей Есенин музейи ҳузурида ташкил этилган китобсеварлар клуби «Гўзаллик оламида» деб аталди. Клуб иши программасида машҳур шоирнинг шеърларини энг яхши ижро этиш конкурслари, таниқли адиблар, санъат арбоблари ижоди ҳақида лекциялар, ёзувчилар билан учрашувлар ўтказиш ва тематик кўргазмалар ташкил этиш кўзда тутилган. Бу ердаги икки хона доим гавжум: саноат корхоналарининг меҳнатчилари ва мактаб ўқувчилари, студентлар ва пенсионерлар бу ерга экспонатлар билан танишиш, шунингдек қизиқарли суҳбатларда иштирок этиш, ўз шеърларини ўқиб бериш учун ҳам келадилар.

Яқинда музейда «Тасвирий санъатда В. И. Ленин образи» деган экспозиция очилади. Клуб активлари Тошкентнинг 2000 йиллигига «Тошкент С. Есенин нигоҳида» деган кўргазмани тайёрламоқдалар.

(ЎзТАГ).

Одоб-ахлоқ ҳақида

Оқшом суҳбатлари

КАМТАРГА — КАМОЛ ЁР

«... Камтарлик рисолидаги инсонга хос фазилатларнинг гултожидир. Модомики шундай экан, у барча учун, оддий ишчи, колхозчи учун ҳам, давлат арбоби-ю машҳур олим, санъаткор учун ҳам, ёшу қари, эркагу аёл учун ҳам бирдек зарур ахлоқий фазилат бўлмоғи лозим ва шарт». — Ушбу жумлалар фалсафа фанлари кандидати, доцент С. Алимовнинг мақоласида келтирилган. Унда камтарлик ҳақида сўз боради.

▲

«ИНСОН — ҲАЁТ ГУЛТОЖИ»

Бугун ана шу анкета саволларига Ўзбекистон ССР Фанлар академияси «Кибернетика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмасининг Бош директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, Беруний номидаги республика Давлат мукофоти лауреати, физика-математика фанлари доктори, профессор Восил Қобуловнинг жавоблари эълон қилинмоқда.

▲

ЮРАКДА ДОИМ МУҚАДДАС

Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси Ф. Нуриддиновнинг мақоласида мунис бир зот —онани эъзозлаш, унинг номини муқаддас билиб, кўнглини тоғдек кўтариш ҳар бир инсоннинг бурчи эканлиги ҳақида фикр юритилади.

▲

ОҚ ХАЛАТЛИ ҲАМШИРАЛАР

Шифокор Қ. Низомов ўз мақоласини ана шундай деб номлаган. Унда ҳамшираларнинг бурчи ҳақида сўзланади.

ГУЛ ШАЙДОСИ

Тошкент каноп фабрикаси ишчилари Тошкентнинг шонли юбилейини кутиб олишга муносиб ҳозирлик кўрмоқдалар. Коллективда ишлаб чиқариш илғорлари кўп. Шулардан бири йигирувчи Раиса Бабичовадир.

СУРАТДА: илғор йигирувчи Раиса Бабичева

У. Усмонов фотоси.

Манзарали ўсимликлар боғдорчилик совхози гулчиси Зулфия Гуломова ҳаётида яқинда қувончли воқеа юз берди. У «СССР 60 йиллигига —60 зарбдор ҳафта!» шиори остида ўтказилган социалистик мусобақада энг юқори кўрсаткичларга эришганлиги ҳамда жамоат ҳаётида фаол иштирок этганлиги учун Тошкент областининг «Сервис» мукофоти лауреати бўлди. 16 йилдан буён гул етиштириб келаётган бу илғор ишчи шу кунгача кўплаб шогирдлар ҳам тайёрлади. Бугунги кунда шаҳримиздаги магазин пештахталари ва гўзал хиёбонлардаги гулзорларда яшнаб турган гуллар у ва унинг шогирдлари томонидан етказиб берилган.

Юбилей йилида З. Гуломова янада жон қуйдириб меҳнат қилмоқда. У республикамиз пойтахти меҳнаткашларига янада кўплаб чинни гуллар етказиб бериш мақсадида кунлик нормасини 150 процентдан ошириб адо этмоқда.

Ҳаваскорлар

КОНЦЕРТ ПРОГРАММАСИ

Бадиий ҳаваскорлик коллективлари Бутуниттифоқ кўригн лауреати «Қизил чиннигул» вокал-чолғу ансамбли Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейига бағишланган янги тематик концерт программасини тайёрлади. Программага «Тошкент таронаси», «Тошкент — тинчлик ва дўстлик шаҳри» бадиий-музикали композициялари, ўзбек композиторларн қўшиқларн киритилди.

Ижодий коллектив чиқишларнинг Тошкент тракторсозлари, экскаватор заводи механизаторлари қизғин кутиб олдилар. Улар ўз концерт программаларини социалистик мусобақа илғорлари, шаҳар корхоналари механизаторлари ҳузурида давом эттирадилар.

• *Ким бўлсам экан?*

«МАКТАБ СИНФИДАН— ИШЧИ СИНФИГА»

Худди мана шу шиор остида Октябрь районида мактаб ўқувчиларининг касб танлаш ойлиги ўтмоқда.

Ойлик программасида райондаги саноат, транспорт, қурилиш, ва маиший хизмат кўрсатиш корхона ва ташкилотларига экскурсияга бориш, ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашувлар ўтказиш, «Ленинча яшаймиз ва ўқиймиз» шиори остида мактаб байрамлари ва комсомол йиғилишлари, «Мактаб синфидан —ишчи синфига», шиори остида эса мактаб агитбригадаларининг конкурсларини ўтказиш мўлжалланган. Шунингдек, бу ерда ҳунар-техника билим юртларида очиқ эшиклар кунини, «Меҳнатга шон-шарафлар» тантанали комсомол йиғилишларини ўтказиш белгиланган.

В. И. Ленин номли республика пионерлар ва ўқувчилари Саройида касб танлаш ойлигининг очилиши маросимида ўқувчиларга комсомол йўлланмалари топширилди.

ХАТ БОСИЛМАДИ, АММО ЧОРА КЎРИЛДИ

Қаттиқ танқид қилинди

Редакцияга «Ташинжстрой» трести ходимларидан коллектив хат тушди. Унда трест бошқармаларидан бирининг раҳбари ўз лавозимини суиистеъмол қилаётганн айтилган эди. Бу трест Ленин район территориясида жойлашганн учун ҳам хат текшириш ва чора кўриш учун Ленин район партия комитетига йўлланди. Редакция жавоб хатн олди. Унда шундай дейилади:

«Ўзбекистон Компартияси Ленин район комитетн шуни маълум қиладики, «Ташинжстрой» трестининг 8-қурилиш бошқармаси собиқ бошлиғи, ҳозир эса «Водоканал» трестн ремонт-қурилиш бошқармаси бошлиғи бўлиб ишлаётган Б. Н. Зуевнинг ўз лавозимини суиистеъмол қилганлиги тўғрисида «Тошкент оқшоми» газета редакциясига йўлланган хат район партия комитетида кўриб чиқилди.

Муҳокама натижасида шу нарса аниқландики, хатда келтирилган фактлар ўрнли. Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг ички ишлар бошқармаси БХСС Бошқармасининг 1982 йил ноябрь ойидаги текшириш якунларига кўра «Ташинжстрой» трестининг кенгайтирилган ишлаб чиқариш кенгашида ўз лавозимини суиистеъмол қилганлиги учун Б. Н. Зуев қаттиқ танқид қилиниб, вазифасн пасайтирилган ва СГУ—7 бош инженерининг ўринбосарлигига ўтказилган эдн.

«Водоканал» трести партия комитети ўз йиғилишида КПСС аъзоси Б. Н. Зуев устидан тушган материалларни кўриб чиқдн. Партком аъзолари Б. Н. Зуевни қаттиқ танқид остига олдилар. Ўз айбига сидқидилдан иқрор бўлганн учун уни муҳокама қилиш билангина чекланилдн.

Х. МУҲУТДИНОВ,
Ўзбекистон Компартияси Ленин район комитетининг иккинчи секретарн.

Йиллик план—муддатидан илгари

ТЕХНИКАГА ТАЯНИБ

Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент тўқимачилик комбинатининг деярли барча ишлаб чиқаришларида янги техника ўрнатиш ва уни ишга тушириш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилмоқда. Меҳнат унумдорлиги ва иш суръатини ошириш ҳамда самарадорлик ва сифатни юксалтиришда ҳам шубҳасиз, янги техника муҳим роль ўйнамоқда. Ишчилар катта қулайликка эга бўлган янги ускуналарни маҳорат билан бошқаришмоқда.

— Янги техника шарофати билан цехимизда кадрлар қўнимсизлиги барҳам топди. Ишчилар эндиликда меҳнатга масъулият билан ёндошиб, ишлаб чиқаришда муқим қолмоқдалар,— дея ҳикоя қилади иккинчи йигирув фабрикаси йигирув цехи кард қисмининг мастери Қобилжон Ҳасанов.

Дарвоқе, мазкур цехга ҳам 1968 йили янги «БД—200—М69» маркали йигирув машиналари ўрнатилди. Шу йили бригада ҳам ташкил топди. Унга Қобилжон Ҳасанов бошлиқ этиб тайинланди. Ниҳоят, 62 та янги машина тўла қувват билан ишлай бошлади. Эскисига нисбатан икки баравар серунум бўлган машинада йигирувчи бир соатда 50-номерли калавадан 8 килограмм ишлаб чиқаради. Эндиликда бундай машиналар цехнинг ярмини эгаллаган.

Ўн биринчи беш йилликнинг учинчи йилида «БД—200—М69» маркали янги йигирув машиналаридан цехнинг қолган участкасида ҳам ўрнатиш мўлжалланмоқда. Бу демак, меҳнат унумдорлиги ва иш сифати янада юксалади.

«Коммунистик меҳнат бригадаси» шарафли номига эга бўлган бригада 1981 йилда янги метод — меҳнатни ташкил этиш ва унга ҳақ тўлашнинг бригада методига ўтиб ишлай бошлади. Ҳозирда йигирма кишидан иборат коллектив 62 та янги машинани маҳорат билан бошқариб, юксак натижаларни қўлга киритмоқда.

Маълумки, ҳозир бригадада хизмат кўрсатиш нормаси тўртта машина, яъни 8 томондан иборат. Шоира Тошматова, Валентина Эргашева, Ҳанифа Қодирова ва Насиба Гутеева каби ўз касбининг моҳирлари эса бугунги кунда хизмат кўрсатиш зонасини икки баравар кенгайтиришга, йигирув машиналарининг 12—14 томонига хизмат кўрсатишга муваффақ бўлишмоқда.

Цехда мураббийчилик ҳаракати яхши йўлга қўйилган. Бригаданинг етакчи йигирувчилари ёшларнинг ғамхўр мураббийлари ҳисобланишади. Ишга янги келган ёшларга якка тартибда 3 ой муддат касб маҳорати ўргатилиб, илғорлар ўз тажриба мактабларида сабоқ беришади, ёшлар қалбида танлаган касбига чуқур меҳр-муҳаббат, коллектив ишига садоқат ҳиссида тарбияланиб, улар ишчи синфи сафига қабул қилинади. Шу тариқа бригадада ишдан сабабсиз кетиш ва қўнимсизлик ҳамда прогулчиликка чек қўйилди.

Шунингдек, бригада эришаётган муваффақиятларда янги методга ўтиб, ишлашнинг аҳамияти ҳам катта бўлаётир. Эндиликда ишчилар ўз вазифаларига янада масъулият билан ёндошадиган, ҳар бир минут иш вақтини қадрлайдиган, хом ашё тежамкорлигини таъминлайдиган бўлишди. Уларнинг ойлик иш ҳақи ҳам ошди.

Коллектив 1982 йил планини ноябрь ойида уддалаб, пландан ташқари 106 тонна калава ишлаб чиқаришга эришди. Ҳозирда коллектив вақтдан ўзиб ишлаб, 1983 йилнинг июнь ойи ҳисобига маҳсулот топширмоқда. Шунинг учун ҳам бригада азаматлари шаҳримиздаги илғор ишчиларнинг ташаббусига қўшилиб, йиллик планни Тошкентнинг 2000 йиллигига бажаришга сўз бердилар. Ҳеч шубҳа йўқки, улар бу ваъдаларини бемалол уддалайдилар. Етакчи йигирувчилардан Шоира Тошматованинг меҳнат календарида ҳозир 1984 йилнинг апрель ойи, Валентина Эргашеванинг меҳнат календарида эса 1984 йилнинг февраль ойи бошланди.

Коллектив етакчиси, коммунист Қобилжон Ҳасанов чорак асрдан буён шу цехда меҳнат қилади. Кўплаб ёшларга устозлик қилган, уларни ишлаб чиқаришнинг муносиб ишчилари қилиб тарбиялаган. Бригада коллективи комбинатда биринчилар қатори москвалиқлар бошлаган ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлаб, ҳар бир иш жойида юксак интизомга эришиш, ҳар бир минут иш вақтидан унумли фойдаланишни мақсад қилиб тер тўкяпти. Коллективда интизом бузувчилар мутлақо йўқ. Аҳиллик ва ҳамжиҳатлик, ўзаро ёрдам туфайли смена ва ойлик топшириқлар мунтазам 110—115 процент миқдорида адо этилмоқда.

«Жонажон пойтахтимизни коммунистик меҳнат, намунали жамоат тартиби ўрнатилган шаҳарга айлантирамиз!» — цехга кираверишда шу шиор кўзга яққол ташланади. Коллектив пойтахтимиз Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейига қизғин тараддуд кўрмоқда.

З. ДЎСТМУҲАМЕДОВА,
тўқимачилик комбинатида чиқадиган «Тўқимачилар овози» кўп нусхали газетасининг ходими.

«Госкомсельхозт е х н и к а»га қарашли Меҳнат Қизил Байроқ орденли тажриба ремонт-механика заводида Илья Татарчинский бошлиқ бригада коллективини яхши билишади. Бу бригада аъзолари шаҳримиздаги ишлаб чиқариш пешқадамларининг ташаббусига қўшилиб, йиллик топшириқни Тошкентнинг 2000 йиллигига қадар бажаришга ваъда беришган. Ремонтчилар ҳозир шу ваъдага яраша меҳнат қилишаяпти.

СУРАТДА: [чапдан-ўнгга] бригада аъзолари Комил Раҳимов, Георгий Якименко, Виктор Власов, Абдуманноп Каримов, Алексей Яшин, Илья Татарчинский, Иван Зиков, Сухан Ботировлар.

ТОШКЕНТНИНГ 2000 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

ЯШИЛ ШАҲАРГА АЙЛАНТИРАМИЗ

Яшил майдонлар инсон ҳаётида ғоят аҳамиятли бўлгани каби, шаҳар ва қишлоқларимиз учун ҳам жуда катта роль ўйнайди. Улар чанг-тўзон, гармселларнинг олдини олади, биз нафас оладиган ҳавони тозалаш билан бирга соя-салқин, сўлим оромгоҳлар ҳосил қилади. Кўчат экиш, боғ қилиш бу жуда мураккаб, сермеҳнат иш бўлиш билан бирга шарафли ҳамдир. Сенинг меҳнатинг сингган хиёбонларда, гулзорларда одамларнинг мириқиб ҳордиқ чиқараётганини кўрсанг қалбинг қувончга, ғурурга тўлади, ўзингни бахтиёр ҳис қиласан.

Шу кунларда ҳамшаҳарларимиз кўтаринки бир руҳда яшамоқда. Тинчлик ва дўстлик шаҳри номини олган, қуёшли Тошкентимизнинг муборак юбилейига ташкилотларда, ишлаб чиқариш корхоналарида катта меҳнат совғалари ҳозирланмоқда.

Фасллар келинчаги баҳор шаҳримизга ҳам ўз сепини ёйган. Кўча-кўйларда, боғу роғларда баҳор юмушлари, баҳор ташвишлари авжига минган. Ҳозир давом этаётган ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги барча-барча томонидан зўр хайриҳоҳлик билан кутиб олинди. Оммавий ҳашарлар уюштирилмоқда, ҳамма бир тан, бир жон бўлиб пойтахтимизнинг янада чирой очиши учун тер тўкмоқда. Айниқса бу ишларда шаҳримиз ободонлаштириш бошқармаси ходимларининг хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Пойтахтимизнинг умумий яшил майдони 8120 гектарни ташкил этади. Тошкент яшил шаҳарлар ўртасида Иттифоқимизда фахрий ўринлардан бирида, Ўрта Осиё зонаси бўйича эса Олмаотадан кейин туради. Ҳозир ҳар бир ҳамшаҳримиз учун 47 квадрат метр дарахтзор тўғри келади. Боғбонларимиз буни 50 квадрат метрга етказиш учун ҳаракат қилишяпти. Шу кунларда ободончилик ходимларининг иш мавсуми энг қизғин паллага кирган пайт.

Бу йил ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш икки ойлиги янада ўзгача кайфиятда ўтмоқда. Пойтахт районлари ўртасида шаҳримизнинг 2000 йиллик юбилейига атаб социалистик мусобақа қизитиб юборилган. Чилонзор, Киров, Акмал Икромов, Собир Раҳимов районларида кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштириш соҳаларида кўз қувонар ишлар амалга оширилди. Б. Хмельницкий, Новомосковская, Ш. Руставели, Правда Востока кўчалари, Горький проспектидаги ва бошқа жойлардаги кўп йиллик қариган дарахтларни янгиларига алмаштириш, бузилган йўлкаларни, сув шахобчаларини ремонт қилиш ишлари ниҳоясига етказилди. Шаҳримиздаги 376 гектардан зиёд майдонда парк ва хиёбонлар мавжуд. Оромгоҳларда қишин-ёзин кўм-кўк бўлиб турадиган арчасимон дарахтлар буталди, умумий узунлиги 5000 километрни ташкил этувчи сув тармоқлари тўлиқ ремонтдан чиқарилди.

Шаҳримиз ободонлаштириш ходимлари ҳам қутлуғ юбилейга муносиб совғалар билан боришга аҳд қилиб меҳнат қилмоқдалар. Тошкентнинг қутлуғ ёшидан абадий эсдалик бўлиб қолувчи улкан ёдгорлик атрофида 6 гектарлик парк барпо этиш кўзда тутилган. Бу ерга арчасимон дарахтларнинг турли хиллари ўтқазилади. Ранг-баранг гул кўчатларидан бир гектарга яқин гулзор барпо этилиб, улар орасига суғорувчи сачратма фонтанчалар ўрнатилади.

Шунингдек, шаҳримизнинг азим ёшига қурувчиларимиз томонидан совға қилишга ҳозирланаётган телеминора биносининг атрофлари яшил зонага айлантирилади. Беш-олти гектар гулзор ва дарахтзордан иборат хиёбон ва кичик хиёбонлар шаҳарликлар ва шаҳримиз меҳмонлари хизматида бўлади.

Халқ хўжалиги ютуқлари виставкаси ҳар доим томошабинлар ва чет эллик меҳмонлар билан гавжум. Ҳозир бу ерда Энгельс кўчаси томондан бош кириш йўли барпо этилмоқда. Кўргазмаларга олиб борувчи йўлнинг икки томони икки, уч ёшли манзарали дарахтлар билан безатилмоқда. Ҳадемай, кўп йиллик ва бир йиллик гул кўчатларидан барпо этилган гулзор меҳмонларнинг баҳридилини очади.

Шаҳримиз боғбонлари томонидан қутлуғ сана шарафига, энг гавжум ва серқатнов кўчалар атрофига 1 миллион 300 мингдан зиёд дарахт ва бутасимон дарахт кўчатлари ўтқазилди. Яқин ойлар ичида умумий майдони 10 гектарни ташкил этувчи 40 та гулзор, 51 та кичик хиёбонлар ҳамшаҳарларимиз г а тортиқ қилинади.

Шу кунларда Назарбекдаги боғдорчилик совхозининг территориясида бирибиридан чиройли, олий навли ранг-баранг гуллар танлаб олиниб, парвариш қилинмоқда. Бу гуллар улуғ айём кунлари шаҳримизнинг энг гўзал жойларига қўйилувчи уч мингдан ортиқ вазалар ичида оловдай ёниб туради.

— Пойтахт юбилейи шарафига ободонлаштириш ишлари қизитиб юборилган шу кунларда айрим кишилар, баъзи ташкилот раҳбарлари томонидан ободонлаштириш ишларига панжа орасидан қараш ҳоллари юз бермоқда, — дейди биз билан суҳбатда Тошкент шаҳрининг бош агрономи Қ. Ваққосов.

— Шаҳар ободонлаштириш Бош бошқармаси томонидан таъқиқланган нормалар қўпол равишда бузилмоқда. Ҳар хил чиқиндилар ва маҳсулот қолдиқлари шаҳар территориясидан ўтувчи сув ҳавзаларига оқизилмоқда. Масалан, Энгельс кўчасида жойлашган ғишт заводи ўз чиқитларини Қорахўжа каналига, тепловоз ремонти заводи Сарипул каналига, Собир Раҳимов район ДОСААФи Қайирма каналига, 1-авторемонт заводи Рўмол каналига ташлаб юборишиб, бу тармоқлардаги сув таркибининг яроқсиз ҳолга келишига сабабчи бўлмоқдалар. Бу гаплар «Ўзбекистон», «Известия», «Файзиобод», «Олимпия» маҳаллаларида яшовчи аҳоли учун ҳам тааллуқлидир.

Шаҳар қурилиш ташкилотларига тегишли яна бир масалани ўртага ташлаш лозим. Йиллар давомида боғбонларимизнинг пешона тери эвазига ўстирилган дарахтлар қурувчиларимиз томонидан айрим ҳолларда қўпориб ташланмоқда. Бу асосан айрим трестларнинг қурилиш ишлари олиб бораётган майдонларда содир бўлмоқда. Юқорида айтиб ўтилган нуқсонлар шаҳримизнинг чирой очишига, яна ҳам кўркамроқ бўлиб гуллаб-яшнашига тўсқинлик қилмоқда.

Ҳа, бундай нуқсонларга қарши кенг жамоатчилик асосида кураш олиб бориш зарур. Пойтахтимизнинг қутлуғ 2000 йиллик ёшида уни янада кўркамроқ, бундан ҳам сўлимроқ яшил шаҳарга айлантириш билан кутиб олиш ҳар биримизнинг шарафли бурчимиздир.

И. ОЧИЛОВ.

Тошкент бадиий буюмлар фабрикасидаги ижодий группа янги буюм намуналарини яратиш билан шуғулланади. Бу ерда ҳозир Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейига атаб буюмлар тайёрланаяпти.

СУРАТДА: фабрикадаги ижодий группа аъзоларидан [чапдан-ўнгга] Маҳбуба Юнусова, Маҳмуда Муталова ва Зулхумор Неъматова рассомлар яратган янги трафаретни кўздан кечиришмоқда.

Ҳ. Мирзакаримов фотолари.

ЮКСАК УНУМ БИЛАН

БУГУН

шаҳримиздаги экскаватор заводида учта «Э—304—Г» маркали экскаваторлар корхонанинг доимий буюртмачиси — Вьетнам Социалистик Республикасига жўнатиш учун тахт қилиб қўйилди. **Корхона май ойигача шундай «паҳлавон машиналар»дан 20 тасини Венгрия, Чехословакия, Куба, Югославия сингари социалистик мамлакатларга, шунингдек Афғонистон Демократик Республикасига етказиб бериш мажбуриятини олган. Қўшни Афғонистон — корхонанинг бу йилги янги буюртмачиси саналади.**

Корхона ишчилари айни кунларда юксак унумдорлик билан меҳнат қилмоқдалар. Улар ойлик ва йиллик план топшириқларини ошириб бажариш билан бир қаторда, ўз буюртмачиларига маҳсулот етказиб бериш план мажбуриятларини ҳам мудом шараф билан уддалаб келмоқдалар. Жонкуяр коллектив пойтахтимиз Тошкентнинг 2000 йиллик юбилейигача асосий буюртмачиларга маҳсулот етказиб бериш планини уддалаш учун курашмоқда. Айни пайтда корхонада 20 дан ортиқ хорижий мамлакатларнинг буюртмалари пешма-пеш бажарилмоқда.

• 16 апрель—коммунистик шанбалик куни

ЖЎНАТИШГА ШАЙ

Марказлашган усулда юк ташиш автомобиль трестига қарашли 103-автокорхона коллективи В. И. Ленин туғилган куннинг 113 йиллигига бағишланган «Қизил шанбалик» кунига қизғин ҳозирлик кўрмоқда. Шу куни корхонада иккита машина двигатели, тўртта узатиш коробкаси ва бошқа ремонт ишлари амалга оширилади. Пландан ташқари линияга бешта автомашина чиқарилади. Ўша куни 6 минг тонна турли халқ хўжалик юклари манзилларга етказиб берилади. Шанбаликда жами 213 киши иштирок этади. Корхона ҳовлиси ва унга туташ кўчаларда ободончилик ишлари олиб борилиб, 200 туп дарахт кўчати ўтқазилади.

Коллектив «Қизил шанбалик»дан тушган 600 сўм маблағни ўн биринчи беш йиллик фондига ўтказишга қарор қилди. Бундан ташқари ҳар ҳафтанинг сўнгги кунларида корхонадан 10—15 машина район территориясига чиқиб, ободончилик ишларига ҳашар тариқасида ёрдам бермоқда.

• Тошкент — жаҳонга

Қизғин тараддуд

Шаҳримиздаги «Средазэлектроаппарат» бирлашмаси қардош республикалар билан бирга кўпгина мамлакатларга ҳам ўз маҳсулотларини чиқариб туради. Йил бошидан буён Куба, Монголия ҳамда Нигерия буюртмалари асосида маҳсулотлар жўнатилди.

БУГУН

бирлашма ўз маҳсулотларининг навбатдаги туркумини жўнатишга тахт қилиб қўйди. Болгария, Руминия ва Финляндия буюртмалари билан тайёрланган турли маркадаги бу маиший автоматлар, предохранитель, реле ва переключателлар сифатлилиги билан алоҳида ажралиб туради.

ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС ВА АПН МУХБИРЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИЛАР

ҚИШЛОҚ МУЗЕЙИ

Руминия пойтахти аҳолиси ва бу ерга келиб-кетувчи меҳмонлар ўртасида қишлоқ музейининг шуҳрати тобора ортиб бормоқда. Мамлакатнинг асосий этнографик зонаси ҳисобланган Херэструэу кўли яшил зонаси қирғоғидаги ўн гектардан ортиқ майдонда турар жой бинолари ва хўжалик қурилишларидан иборат деҳқон кулбалари ташкил этилган. Муҳими шундаки, бу ердаги ҳар бир уй ўз навбатида кичик музей вазифасини ўтайди. Бу уй хоналарида мебеллар ва бошқа жиҳозлар, кийим ҳамда турли-туман предметлар мавжуд. Музей территориясида халқ талантлари қўллари билан тайёрланган қишлоқ қудуқлари, сув ва шамол тегирмонлари ҳамда турли-туман машиналарни кўриш мумкин.

Музей 1936 йилда очиқ виставка ўрнида ташкил этилган эди. 1948 йилдан буён эса этнографик музей вазифасини ўтамоқда.

ЧССР. Прагада туғилган тўрт эгизак 35 кундан кейин уйига келишди. Анни, Януб, Войтех, Люкас ва уларнинг оналари Лорна Ванчурова ўзларини яхши ҳис қилмоқдалар. Умуман, Прагада тўрт эгизак биринчи марта туғилиши. Чехословакияда эса кейинги ўттиз йил ичида ўн марта ана шундай эгизаклар туғилгани қайд этилган.

ЧТК—ТАСС фотоси.

Жаҳон шаҳарлари ва пойтахтларида

ПРАГА. Чехословакия пойтахтидаги янги қурилишлар харитасида ЧССР Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Й. Гампл раҳбарлигидаги Чехословакия — Совет дўстлиги номли бинокорлар бригадаси қатнашмаган биронта ҳам объект йўқ деса бўлади. Машҳур меҳнат коллективи чорак аср мобайнида 14 минг квартирани қуриб фойдаланишга топширди. Мана шу бригада Чехословакия бинокорлари орасида биринчи бўлиб совет новаторларининг илғор тажрибасидан фойдаланди. Коллектив бригада пудратининг злобинча усулини муваффақият билан қўлламоқда. Ҳозирги вақтда ЧССРда бир неча минг бинокорлик бригадаси шу усул билан ишламоқда.

* * *

БУДАПЕШТ. Венгрияга ақалли бир марта келган ҳар бир ажнабий турист шаҳарда ҳамма йўллар Вишеградга олиб келади, деб ҳисоблайди. Дарҳақиқат, Дунай соҳилидаги қадимий Град шаҳрининг хушманзара жойлари шуҳрати аллақачонлар қўшни мамлакатларга ҳам ёйилган. Машҳур Вишеград ибодатхонаси, Венгрия қадимий шоҳларнинг қароргоҳи, соҳилдаги қалъа вайроналари, қолаверса бутун шаҳарнинг архитектура ансамбли ҳар йили бу ерга сон-саноқсиз туристларни жалб этмоқда. Табиий иқлимнинг гўзаллиги, архитектура ансамблининг узвий бирлиги вишеградликларнинг ватанпарварлигини кўп жиҳатдан тасдиқлаб турибди. Улар қадим замонлардаёқ ўз мактубларида, «Вишеграддан тўппа-тўғри жаннатга борилади», деб ёзган эдилар. Шаҳар афсонавий ўтмишгагина эмас, шу билан бирга ажойиб истиқболга ҳам эга. Шаҳар совети шаҳарни ривожлантиришнинг истиқбол планини бажаришга киришди. Шу асрнинг охирига бориб, меҳмонхоналар ва отеллар, кэмпинглар ва туристлар базалари, умумий овқатланиш корхоналари тармоқлари анча кенгайтирилади.

* * *

УЛАН-БАТОР. Монголиянинг янги саноат маркази Дархан шаҳри меҳнаткашлари шу беш йилликнинг топшириқларини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдирдилар. Йил бошидан бери улар пландан ташқари 1,5 миллион тугрикликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқардилар. Илғор тажриба ва меҳнатнинг илғор усуллари ишлаб чиқаришга ҳамма жойда жорий этилганлиги юксак натижаларга эришишга имкон оерди.

Кичик темир йўл станцияси ўрнида катталиги жиҳатидан Монголия Халқ Республикасининг иккинчи индустрия маркази — Дархан шаҳри қад кўтарди. Шаҳар корхоналари республика ялпи саноат маҳсулотининг 10 процентдан кўпроғини ишлаб чиқармоқда. Монголия халқ хўжалиги учун Дархан шаҳрининг аҳамияти катта. У барча қазиб чиқарилаётган тошкўмир ва бинокорлик материалларининг ярмини, мамлакатда ҳосил қилинаётган электр энергиясининг тўртдан бирини ишлаб чиқармоқда.

* * *

ЛИМА. Аякучо ва Арекипа департаментларидаги мис ва кумуш конлари кончиларидан 2500 киши бола-чақалари билан бирга Перу пойтахти марказидаги муқаддас Мартин майдонини ишғол қилдилар. Шахтёрларга бир неча ойлардан бери тўланмаётган иш ҳақини беришни, турмуш ва меҳнат шароитини яхшилашни, иш билан таъминлашни маъмурлар рад этганлигига қарши норозилик билдириш учун шу майдонга келдилар.

АЙИҚ БИЛАН ОЛИШУВ

ПРАГА. Шарқий Словакиянинг Кошица шаҳридаги металлургия комбинатининг ишчиси Ян Ковачнинг айиқ билан олишувига тўғри келди. Қурилишларнинг бирида командировкада экан, у икки ўртоғи билан кечаси вагон уйда ухларди. Бир вақт синдирилган ойна товуши уларни уйғотиб юборди. Қарашса, бир айиқ ичкарига киришга уринарди. Айиқни чўчитиб бўлмаганлигидан уччовлари жуфтакни ростлашларига тўғри келди. Лекин айиқ Ян Ковачнинг оёғидан тишлаб олди. Шунда Ковач йиртқичнинг бошига мушт туширган эди, унинг ғазаби баттарроқ қайнаб кетди. Шундан сўнг Я. Ковач ҳайвоннинг бўғзига қаттиқ мушт туширди. Бу нарса айиқни бир минутча эсанкиратиб қўйди ва шу пайтда уччовлари бошқа бир вагон ичига кириб эшикни маҳкамлаб олишди. Айиқ бу вагон ичига киролмай жўнаб кетди. Я. Ковач умуман унча жабрланмади.

«СОВЧИ»ЛАР ҒОЙИБ БЎЛИШДИ

Манила шаҳрида шов-шув тарқалди: Ғарбий Германиянинг «Интерпарт» деган фирмаси очилибди. Бу фирма Ғарбий Германияда яшайдиган йигитларга филиппинлик қизлардан келин танлаб, етказиб берар-кан.

Шов-шув рост экан. Фирма агентлари Маниладан қиз топишолмагач, шаҳар атрофидаги қишлоқлардан камбағал оилаларни суриштира бошлашди. Гўзал қизлар шартнома бўйича Ғарбий Германияга юборилгандан кейин 90 кун ушлаб туриларкан, агар харидор топилмаса қайтариб юборишаркан.

Бу антиқа хабар «Таймс жорнэл» газетасида босилиб чиққач, Филиппиндаги прогрессив ташкилотлар аёллар ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қилишни талаб қилдилар. Шундан кейин фирма «совчи»лари ғойиб бўлишди.

ОМАДЛИ ЎҒРИ

Бразилиянинг «О Естадо де Сан-Паулу» газетаси редакциясига бир басавлат киши кириб келди ва қандайдир банкни ўмарганини кетаётганини айтди. Унга пулдан ташқари шон-шуҳрат ҳам керак экан. Шунинг учун ўзи билан олиб кетишга фоторепортёрни таклиф қилди. Редакция ходимлари полицияга телефон қилиб қўйишди-да, ўғрининг барча ҳаракатларини бамайлихотир суратга олишди. Қизиғи шундаки, «ҳазиллашяпти» деб ўйлаган полициячилар айтилган жойга келишмади, ўғри эса пулни елкасига ортиб ғойиб бўлди.

Қисқа сатрларда

Японниялик врач К. Судзуки жиноятчиларни қўлга туширишда оригинал услубни таклиф этмоқда. У узоқ муддат давомида 6 ёшдан 57 ёшгача бўлган юзлаб японияликларнинг лаблари изи устида тадқиқот ишлари олиб борди. Маълум бўлишича, ҳатто эгизак туғилган кишиларда ҳам лаб излари ўзгача бўлар экан. Токио полицияси олимнинг бу кўрсатмаси билан қизиқмоқда.

* * *

Машҳур француз каскадери Франсис Оги икки ғилдиракли автомобилни бошқаришда янги жаҳон рекордини ўрнатди. У бундай автомобилда 82.254 километр масофани босиб ўта олди. Бу олдинги қўлга киритилган муваффақиятдан икки ҳисса юксакдир.

* * *

Янги йилдан бошлаб, Иллинойс штатида (АҚШ) янги бир қонун амалга ошди. Унда сунъий тиш қўювчилар қўйиладиган олтин ва кумуш тишларига ўз фамилияларини, суғурта қилингандаги номерини тамғалайдилар. Бундай қилинганда, ресторан, ошхоналарда ёки кўча-кўйда ёқалашганда сунъий тиш тушиб қолса, полиция ўша фамилия ва номер орқали эгасини топаркан. Ана шу хизматлар учун тиш қўйдириш нархи ошган. Бироқ ҳозиргача, сунъий тишини йўқотган бирор кимсага полиция «мана сизники экан», деб келтириб берганича йўқ.

* * *

Кольморденлаги ҳайвонот боғига кирган шведлар башараларини буриштириб чиқишади. Сабаби, ҳайвонот боғи маъмурияти «ҳайвонлар расми чизилган картиналарни сотиб олинг» деб, реклама қилгани-қилган. Арзон бўлса ҳам майли эди, бир шимпанзе маймунининг расми 350 крон туради. Рассомларнинг «маймун» соҳасидаги ижодий иши кимга ҳам зарур бўлибди.

ЯХШИ ХУЛҚЛИ БЎЛГИЛ ҲАМДА
СОФ КЎНГИЛ,
ОДАМЛАРГА ДОИМ ИНСОФЛИ
БЎЛГИЛ.
БУ МЕҲНАТХОНАДА ЯХШИ-Ю
ЁМОН,
УЧРАЙДИ, ЯХШИЛИК ҚИЛАВЕР
ҲАМОН.
Абдураҳмон ЖОМИЙ.

Одоб-ахлоқ ҳақида
оқшом суҳбатлари
№ 46

Одамлар орасида

Камтарга — камол ёр

Осмон бўлсанг, ерга эгилмоқ яхши,
Тупроқ бўлсанг, кўкка интилмоқ яхши.
Нотавон, бечора бўлмагил зинҳор,
Ғайратда, ҳимматда бўл порлоқ, яхши.
Мирза БЕДИЛ.

Умумбашарий аҳлоқ ва одоб нормалари ҳамда қоидаларининг бош ижодкори, ҳақиқий қўриқчиси бўлмиш меҳнаткаш халқ иши шахсиятидаги камтарлик фазилатини қадим-қадимдан эъзозлаб келади. «Одам бўламан десанг, камтарликни одат қил», «Энг яхши либос — камтарлик», «Камтарлик ҳам ҳусн», «Камтарлик — киши безаги», «Камтарлик ҳам бир хислат!» каби мақолу маталлар, ўгиту насиҳатлар, афсонаю ривоятлар бунинг ёрқин далилидир.

Чинакам камтарлик азалдан то ҳануз айрим шахснинг ҳар жиҳатлама аҳлоқий камолотга эришганини кўзга намоён қиладиган ташқи белги сифатида баҳоланиб келинади. Синчиклаб кузатилса, камтар киши ўз теварагидаги одамларга, шунингдек, бевосита ўз шахсиятига нисбатан ҳам киройи оқилона муносабатда бўлади. Камтар шахс жамият томонидан мақбул ва марғуб ҳисобланган тартиб-интизомга ихтиёрий равишда бўйсунади, ўзининг турли-туман эҳтиёжларини қондиришда халқ ҳаётининг моддий шарт-шароитларидан келиб чиқиб ҳатти-ҳаракат қилади, бу борада қуюшқондан ташқари чиқишни ўзига эп билмайди.

Камтарга шуҳратпарастлик иллати мутлақо бегона. Аммо бундан, камтар одам ўзлигидан батамом воз кечиши, ўзини ҳамиша ўта хокисор тутиши, ижтимоий ва шахсий ҳаётида ҳар қандай орзу-ҳавaслардан бутунлай юз ўгириши лозим экан, деган маъно келиб чиқмайди, асло. Камтар бошқалар қатори одам бўлганидан у ҳам эл-юрт орасида обрў-эътиборли бўлишни истайди, албатта. Камтарнинг бошқалардан фарқи шундаки, шуҳрат-донг қозонай, обрў-эътибор орттирай деб ўзини минг гўлоҳга урмайди, қитмирлик-шумлик қилмайди, ҳийла-найранг ишлатмайди, ҳеч қачон нопок, қонун ва аҳлоққа хилоф воситалардан фойдаланмайди, шунга қарамасдан шуҳрат ва обрў унга ўзи ёр бўлади.

Турган гапки, ҳар ким ўз шахсий салоҳияту фазилатларини, коллектив, эл-юртга қилган хизматларини ўзи баҳолаб кўриб, ўзлигидан мамнун бўлишга, фахрланишга ҳақли, албатта.

Камтарлик хусусида сўз кетганда икки нарсани албатта назарда тутмоқ лозим. Биринчидан, ҳар нарсада бўлганч сингари, камтарлик борасида ҳам меъёрнинг аҳамияти катта. Ҳаддан зиёд камтарлик аянчли хокисорликка, хушомаду лаббайгўйликка, яъни кишининг ўз инсоний қадр-қимматини ўзи оёқ ости қилишига олиб боради. Бунга йўл қўймаслик учун доно халқ дейдики:

Кеккайганга кекайгин —
Бошинг кўкка етгунча.
Энкайганга энкайгин —
Бошинг ерга теккунча.

Гоҳо эса ортиқча камтарлик пинҳона такаббурлик учун шунчайин бир ниқоб бўлиб хизмат қилиши мумкин. Машҳур немис драматурги И. Бехер мутлақо тўғри уқтирганидек, камтарлигини пеш қиладиган камтарлик чинакам камтарлик эмас, балки камтарлик жандасига ўранган такаббурликнинг ўзгинасидир. Ҳар икки ҳолда ҳам камтарлик олижаноб фазилатдан иллатга айланиб, мўътабар инсон шаън-шарафига доғ туширади.

Иккинчидан, камтарлик талаби фақат одоб соҳасига, яъни кишилар билан муомала-муносабат қилиш, юриш-туриш, кийиниш, уй-рўзғор тутиш, тўй-маърака ўтказишда меъёридан ошмаслик сингари масалаларга дахлдордир, холос. Аммо хилма-хил ижтимоий фойдали касб-ҳунарлар сир-асрорини чуқур эгаллаб, шу асосда уларни янада ривожлантиришга қаратилган ташаббускорлик, халқ хўжалиги ва маданиятнинг турли соҳаларида ижодкорлик, ва шахсий ҳаёт масалалари хусусида ҳар томонлама тафаккур юритиб, ўз фикр-мулоҳазаларини дадил айта билиш кабиларда камтарлик талаби қўлланилмайди.

Хулоса қилиб шуни айтамизки, камтарлик рисоладаги инсонга хос фазилатларнинг гултожидир. Модомики шундай экан, у барча учун, оддий ишчи, колхозчи учун ҳам, давлат арбоби-ю машҳур олим, санъаткор учун ҳам, ёшу қари, эркагу аёл учун ҳам бирдек зарур ахлоқий фазилат бўлмоғи лозим ва шарт. Ҳа, камтарликда хосият кўп. Шу боисдан халқимизнинг мана бу машҳур ҳикмати кони ҳақиқат: «Камтарга — камол ёр, манманга — завол бор«.

С. АЛИМОВ,
фалсафа фанлари кандидати, доцент.

Оила даврасида

Юракда доим муқаддас

Биз ҳамиша қарздорлигимизча қоладиган мунис бир зот борки, у онадир.
Н. ОСТРОВСКИЙ.

1960 йил, куз ойи эди, эрта билан барвақт мактабга чиқиб кетаётган эдим. Маҳалламизнинг «Омонат» проездидаги бир хонадондан йиғи товушини эшитдим. Бир дақиқа тўхтаб ўша томонга қараб турдим, келаётган аёлдан кимнинг вафот этганлигини сўрадим. Аёл Салим аканинг хотини — Карима опа деб жавоб берди. Унинг фарзандлари —Карим, Раҳимлар мен ишлайдиган мактабда ўқишарди. Дарс бошланиши олдидан синф раҳбарига шу болаларни бир-икки кун дарсга қатнашмай қолса, сабабли қилиб қўйишларини эслатдим. Ундан ташқари, шу оила фарзандларига алоҳида эътибор бериш лозимлигини ҳам кўнглимдан ўтказим.

Шундан сўнг Салим ака билан тез-тез учрашиб, фарзандлари ҳақида суҳбатлашиб турдим. Марҳуманинг маъракалари ўтиб бўлгандан сўнг, қариндош-уруғлар, ошна-оғайнилар, энди болаларга қараб туриш, оналик қиладиган бир аёл топиш, Салим аканинг уйланиши ҳақида маслаҳат беришди.

Орадан икки йил ўтгач, Салим Рихси деган бир ҳамширага уйланди. Рихси опа турмуш ўртоғи ва болаларга меҳрибонлик билан қаради, оилага файз киритди. Уй-жойлар яна тартибга тушди. Аммо, оиладаги севинч-қувончлар узоққа бормади, орадан икки йилча ўтар-ўтмас оила бошига яна оғир кулфат тушди. Салим ака тўсатдан ҳаётдан кўз юмди. Болалар тарбияси, рўзғор ишларининг ҳаммаси энди Рихси опанинг зиммасига тушиб қолди. Салим аканинг яқин қариндошлари, дўстлари оила ҳолидан хабар олиб турдилар. Бу орада Каримжон, Раҳимжонлар мактабнинг ўнинчи синфини тугатишди. Каримжон шофёрлик касбини эгаллади. Рихси опа ўзининг бир қариндоши қизини катта ўғли Каримжонга олиб берди. Раҳимжон ҳам ошпазлар тайёрлайдиган техника билим юртини тугатиб, ҳозир шаҳримиздаги ошхоналардан бирида ошпаз бўлиб ишлайди. Рихси опа елиб-югуриб бунисини ҳам уйлантирди. Рихси опанинг икки фарзандидан етти набираси бор. Катта қилган фарзандларининг роҳатини кўриб набираларининг мактабга бориб келиши, кичикларини боғчаларга олиб бориб келишидан завқланиб юрибди. Ҳеч қандай нолийдиган жойи йўқ.

Биз бу оиланинг яхши хислат, гўзал фазилатлари ҳақида фикр юритар эканмиз, «гул тикансиз, гуруч курмаксиз бўлмайди» деганларидек, баъзан она тарбиясини унутиб қўйган беандишалар ҳам учраб туради, деб афсус чекамиз.

Менинг бир касбдош танишим биз билан бир маҳаллада турарди. У кўпроқ район мактабларида ўқитувчилик қиларди. Улуғ Ватан уруши йилларида Тошкент областининг Бўка районидаги мактаблардан бирида директор бўлди. Хотини Саври эса колхоз боғчасида тарбиячилик вазифасида ишларди. У бетобланиб юриб, тўсатдан вафот этиб, қолди. Ундан икки ўғил, бир қиз қолди. Мен ҳам, бошқа танишлар ҳам касбдошимизнинг исмини тўлиқ айтиб чақириш ўрнига охирги қўшимчаси— «Хўжа бола» деб чақириб гаплашардик. Саври опанинг вафотидан сўнг Хўжа боланинг уйида ҳеч ким қолмади. Икки, тўрт ва олти ёшли болалари билан анча қийналди. Айниқса, пахта йиғим-терими даврида мактаб ўқувчилари билан бирга катта-кичик ўз фарзандларини ҳам далага олиб чиқиб кетарди. 1945 йилнинг охирларида Хўжа бола Тошкентга кўчиб келди. Хайри исмли бир аёлга уйланди. Турмушлари ёмон эмас эди. 1952 йилда ўпка касаллиги билан Хўжа бола ҳам оламдан кўз юмди. Унинг фарзандлари— Мутал, Мурод, Нодира исмли қизини Хайри опа ўз болаларидек тарбиялади. Учаласи ҳам олдинма-кетин ўнинчи синфни битиришди. Мутал, Муродлар бирин-кетин Совет Армияси сафига ҳам бориб келишди. Мутал чинни заводида, Мурод эса савдо соҳасида ишлаб юрди. Она елиб-югуриб олдин Мутални, кейин Муродни уйлантириб қўйди. Бу орада қизини ҳам турмушга берди. Нодиранинг турмуш ўртоғи халқ хўжалиги институтини битиргандан сўнг ўртоғи билан Бухорога кўчиб кетди. Олдин ҳаммалари отадан қолган ҳовлида туришарди. «Куёв билан келиша олмадик» баҳонаси билан Мутал кўчиб кетган эди. Буларга аччиқ қилиб, куёв ҳам Нодирани ўз юртига олиб кетди. Охири «бу уйлар замонавий уй эмас», деб Мурод ҳам қайнотасиникига кўчди. Она уйда бир ўзи қолди, бўш уйларга студент қизларни қўйди.

Шанбалик куни мен ҳам маҳалла активлари билан Соғбон қабристонига бордим. Юз метрдан ортиқ келадиган йўлканинг икки ёнидаги ариқ четига бир юз эллик туп уч яшар арча кўчатлари ўтқаздик. Шу вақт ичида айланиб юриб, «Хўжа болага қўйилган қора мармардан ишланган ёдгорликка кўзим тушди. Мармарга ёзилган сўзларни қайта-қайта ўқиб унинг катта-кичик фарзандларини бирма-бир кўз ўнгимдан ўтказдим.

Бир кун йўлим касбдошим яшайдиган кўчага тушиб қолди, қарасам, Хўжа боланинг эшиги олдида унинг аёли Хайри опа ўтирибди. Олдига бориб ўзимни танитдим, у ҳам мени таниди, аммо кўзи ожизроқ бўлиб қолибди. Гаплашдик, у ўз дард-ҳасратларини айтди. Хайри опанинг айтишича, ўғил-қизларининг учаласи ҳам ўзига тўқ, бирининг енгил машинаси ҳам бор эмиш. Қаранг, бу қандай гап, уч фарзанднинг бирортаси онани олиб кетмаган, ёки бирортаси бирга турмайди. Ҳар замонда бир келиб хабар олармиш. Хайри опанинг шу хонадонга келганига ўттиз йилдан ошди, у вақтда болаларнинг каттаси энди 6 ёшда, кичиги 2 ёшда эди. У энди қандай қилиб бу хонадонни ташлаб ака-укалариникига қайта олади. Мен Хайри опадан ўғил-қизларининг адресларини, иш жойларини билиб олдим. Албатта бориб, улар билан гаплашиб онага нисбатан меҳр уйғотишни ўз зиммамга олдим. Улуғ шоиримиз Абдураҳмон Жомийнинг қуйидаги байтларини ҳар бир фарзанд дилига жо қилиб олмоғи даркор:

Онангдан бош товлама, ошмасин дарди,
Шараф тожи эрур, оёғин гарди.

Она номини муқаддас билиб, унинг кўнглини тоғдек кўтаришимиз ҳаммамизнинг фарзандлик бурчимиздир.

Ф. НУРИДДИНОВ,
Ўзбекистон ССР халқ маорифи аълочиси.

УНУТИЛМАС ЖАСОРАТ

Ҳозир унинг қаҳрамонлиги ҳақида жуда кўп кишилар билишади. Агар у кўрсатган жасоратни эслайдиган бўлсак бирданига қалбимиз қандайдир чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан тўлиб кетади.

Бирданига хаёлга инсонларнинг беқиёс ўзаро биродарлигини чуқур тушуниш ҳиссиёти Шаварш Карапетяннинг тўққиз метр баландликдаги тўғондан ўзини сув остига ташлашга мажбур этган, деган фикр келади. Худди ана шу 9 метр чуқурликка бошқариш системаси ишдан чиққан троллейбус чўкиб кетган эди. Унинг ичидаги одамларнинг ҳаёти хавф остида қолганди. Уларга фақат Шаварш ёрдам бериши мумкин. У троллейбуснинг ойнасини синдириб бутун баданидан қон оқиб турган бўлишига қарамасдан кетма-кет муздек сувга шўнғий бошлади. Одамлар деярли ҳушларини йўқотиб бўлишган эди. У йигирма кишининг ҳаётини сақлаб қолди.

Жасур, бақувват, маҳоратли сузувчи бўлган Шаварш шундай жасоратга тайёр эди. Ўша бахтсиз ҳодиса содир бўлган кунда у укаси Камо билан одатдагидек йигирма километр масофага югуриш билан шуғулланаётган эди. У шу кунга қадар ўн йиллик спорт билан жиддий шуғулланиш тажрибасига эга эди. 12 ёшидан бошлаб Ерevandаги Альберт Азаряннинг гимнастика мактабига қатнай бошлади, кейин эса сув ости спорти билан шуғулланишга киришди. Бу ниҳоятда саҳий ёш йигитнинг характери ўта мустаҳкам, шу боисдан ҳам 130 та спорт медали, бир неча марта СССР чемпиони ва Европа чемпиони унвонини қўлга киритди. Сув ости спорти бўйича ўн марта жаҳон рекордини янгилади.

У ўз зиммасига тушган ниҳоятда қийин синовдан кейин ҳам спортга қайтишга муваффақ бўлди.

Ҳозир Шаварш республика ДОСААФ Марказий Комитетининг бунёд этилаётган сув спорти базасига раҳбарлик қилмоқда.

СУРАТДА: Шаварш (иккинчи қаторда, ўнгдан иккинчи) ўз оиласи даврасида.

Г. Бағдасарян фотоси.
ТАСС фотохроникаси.

Шифохона — иккинчи уйимиз

ОҚ ХАЛАТЛИ ҲАМШИРАЛАР

ШИРИН СЎЗ—ЖОН ОЗИҒИ.
(МАҚОЛ).

Инсон ҳаётини бамисоли гулга, ниҳолга ўхшатаман. Агар ниҳол ёки гулга сал касал тегса, унинг қошида боғбон парвона бўлади, агар инсон дардга чалинса меҳри дарё шифокор унинг бошида парвона бўлади. Шифокорга доим ҳамшира ҳамроҳ бўлади, унинг кўрсатмасини бекаму-кўст бажаради. Шифокордан ҳам кўпроқ ана шу ҳамшира бемор билан бирга, туну-кун унинг қошида, сув деса —сув, дори-дармон деса дори тутқазади.

Ҳамшира — жозибали ибора. Шифохоналарда минглаб, балки ўн минглаб ҳамширалар сидқидил меҳнат қилишади.

Мен яқинда шаҳар шифохоналаридан бирида бўлдим. Ярим кеча, барча ором олмоқда. Ҳатто навбатчи шифокор ҳам ўз хонасида, гарчи у ухламаётган бўлса-да, ҳар қалай бир зум ором оляпти. Ҳамшира эса «ўз пости»да ҳушёр. Ана, сигнал чироғи ўрнатилган лампалар орасидан 5-номер ёниб-ўча бошлади. Демак 5-палатага чақиришмоқда.

— Она қизим, узр, безовта қилдим...

— Нима бўлди отахон қаерингиз оғрияпти?

— Йўқ, она қизим, ҳеч қаерим оғриётгани йўқ, бир ухлаб турсам томоғим қақраб қолибди, кексалик-да.

— Ҳозир мен чой дамлаб бераман, сира ҳижолат бўлманг.

— Умрингдан барака топ қизим, бахтли бўлгин.

...

—Отахон иссиқ чой ичинг-а.

—Она қизим, оппоқ қизим, раҳмат, минг раҳмат!

— Агар сизга у-бу керак бўлса бемалол, ҳижолат чекмай чақираверинг, мен шу ердаман.

— Отангга раҳмат қизим, тарбиялаган онангга раҳмат, қизим.

Постда еттинчи рақам ёнади:

— Нима безовта қилаётибди, онажон?

—Уйқим қочди, она қизим, бунинг устига юрагим атрофида оғриқ бўляпти.

— Ҳозир мен шифокорни чақираман.

Тонггача беморларга парвона бўлаётган ҳамширанинг меҳнатига офарин демай бўладими!?

Ана одамийлик, ана чин инсонийлик!

Энди мана бу воқеа билан танишайлик.

Яна шаҳар шифохоналаридан биридамиз. Бемор ўз палатаси эшиги олдида турибди. Коридорнинг у томонидан ҳамшира кела бошлади. Унинг ҳам эгнида оқ халат. Қалби қандай эканлигини билмаймизку, ҳар қандай халатининг калта енгидан, этагидан қават-қават бўлиб чиқиб турган кийимлари ва уларни кўз-кўз қилгандек таманнолик билан юришлари бу кимсанинг қандай характерда эканлигидан бир оз бўлса-да далолат берарди. Ҳар қалай, янглиш фикр қилмаган эканмиз...

— Она қизим, бир минутга мумкинми? — тўхтаб гап бошлади бояги бемор.

—Нима дейсиз, тезроқ гапира қолинг.

— Тумбочкамга олтита ҳар хил дори қўйиб кетибсиз, буларни қай вақтда, қандай қилиб ичай?

— Аввало дори тарқатаётганимда жойингизда бўлинг, ўшанда билиб оласиз.

— Ҳай, она қизим, бундан кейин жойимда бўламан. Ҳозир бу дориларни қандай ичай?

—Мен ичириб қўяйми, чой ёки сув билан ичинг-қўйинг-да.

— Ҳаммасиними?

— Э-э-э, эзма экансиз-ку, биттасиними, ҳаммасиними, қўйгандан кейин ичаверадида...

Ана совуқ муомала, ана совуқ тарбия.

Баъзи бир шифохоналарда ишлаётган оқ халатли ҳамширалар куннинг кўп қисмини «гап сотиш», хонама-хона бекор юриш, чойхўрлик қилиш билан ўтказишади. Оёққа туролмайдиган, мажоли йўқ бемор эса дори ичишга, бир қултум сув ҳўплашга муштоқ бўлиб ётади. Бағритош ҳамшира эса вақтида беморга қарамайди.

Инсон қалби гулдек нозик, у дардга чалинганда эса яна ҳам нозиклашади. Ана шу ўта нозик қалбга йўл топа билиш, беморнинг руҳан кўнглини кўтара билиш оқ халат соҳиблари бўлмиш ҳамшираларнинг катта бурчи, аниқроғи вазифасидир.

Ўз бурчини, вазифасини сидқидилдан бажо келтириб, халқ ҳурматига, эл-юрт ҳурматига, нозик қалб беморлар ҳурматига сазовор бўлаётган ҳамшираларни кўрганда шоирнинг қуйидаги шеърини беихтиёр эслаймиз:

Шамдек бўл, шамни кўр куюб қалбу тан.
Ўзгалар қалбини этади равшан.

К. НИЗОМОВ,
шифокор.

«ИНСОН — ҲАЁТ ГУЛТОЖИ» АНКЕТАСИ

саволларига Ўзбекистон ССР Фанлар академияси «Кибернетика» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, Беруний номидаги республика Давлат мукофоти лауреати, физика-математика фанлари доктори, профессор Восил ҚОБУЛОВ жавоб беради:

1. Инсонийлик деганда қайси фазилатларни тушунасиз?

2. Қандай одамни ёмон кўрасиз ва нима учун?

3. Умрингиздаги энг бахтиёр дамларни айтсангиз.

4. Эътиқод масаласига қандай қарайсиз?

5. Оилада, фарзандларга муносабатда энг муҳим нарса нима деб ҳисоблайсиз?

6. Бўш вақтингизни қандай ўтказасиз?

1. Инсонийлик деганда биринчи навбатда меҳнатсеварлик ва она-Ватанга бўлган фидойиликни тушунаман. Меҳнат инсонни ҳар доим камолот чўққисига етаклайди, сиҳат-саломатлигини тўла таъминлайди, унга руҳий озиқа бериб, муҳтожликдан қутқаради. Академик Қори-Ниёзий ўзининг «Ҳаёт мактаби» китобида: «Ҳаёт фақат ҳалол, ижодий меҳнат натижасидагина ривожланиб, такомиллашиб боради. Ҳаётнинг завқи-шавқи ҳам ана шунда, яъни меҳнатда» деб таъкидлаб ўтган. Дарвоқе, доимий меҳнатсиз ҳақиқий, улуғ иш қилиш асло мумкин эмас.

Абу Райҳон Беруний ҳам «Инсон табиатдан яширин нарсаларни, тафсилоти номаълум бўлган нарсаларни билишга эҳтироси билан интилиб яшашида намоён бўлади», деганида ҳақ эди. Ҳар қандай меҳнатсеварлик одоб-ахлоқ, Ватанга фидойилик хислатлари билан уйғунлашган бўлиши лозим. Бехосдан шуларни ўйлаганимда, шарқшунос олим Шоислом Шомуҳамедовнинг қуйидаги байти эсимга тушади:

Одамийлик дебочаси одоб экан,
Одоб киши ҳаётида офтоб экан.
Кимда одоб маъюб бўлса дили мажруҳ,
Бахти кулмас, саодати бетоб экан.

Ҳар хил одамнинг характери турлича бўлади. Бировлар шўх, ўйин-кулгини севади, бошқа бировлар мижози эса оғир, бир оғиз сўзни бундайлардан зўрға эшитасан. Гап одамнинг оғир-енгиллигида эмас, албатта. Унинг ҳақиқий инсонлигида, мардона —тўғри сўзлигида. бошлаган ишини охирига етказишидадир. У ким бўлишидан қатъий назар: улкан пахтакорми, завод ишчиси ёки инженерми, уй-жойлар қураётган қўли гул қурувчими, ўз тадқиқоти билан фан-техникани ривожлантираётган алломами, ҳамма-ҳаммаси бош ҳарф билан ёзиладиган Инсон бўлмоғи лозим. Инсон ҳалол, пок, орзу-умидли бўлиши керак.

2. Жамиятга етказаётган фойда-зарарига қараб барча одамларни уч гуруҳга ажратиш мумкин: фойдали, бефойда, зарарли. Фойдали одам жамиятга кўпроқ манфаат келтириб, ундан кам ҳақ талаб қиладиганлардан. Бефойдалар эса жамиятга қанча берсалар, шунчани ундан талаб қилиб оладиганлардир. Зарарлилар —жамиятга ҳеч нарса бермай, унинг ҳисобига яшашга одатланган безбет —текинхўрлардир. Мен ана шу тоифадагиларни ёмон кўраман.

3. Одамзод умри, гўё оқаётган дарёга ўхшайди. У гоҳо узун, гоҳо эса қисқа бўлади. Шу боисдан ҳаётда бахтиёр дамлар билан бир қаторда, ғам-ташвишли дақиқалар ҳам бўлиб туради. Мен фан боғида ўнлаб шогирдлар етказдим. Бахтим шу боғда етиштирган сернав фойдали-мевали дарахтларимда! Улар бир сафда туриб, жамият равнақи йўлида меҳнат қилишмоқда. Улар олдида улуғ ва эзгу, шарафли вазифаларни ҳал этиш турибди. Бу йўлда шогирдларимга омад тилайман.

Инсон ҳаётида бахтиёр дамлар кўп бўлади. Уларнинг ҳаммасини санаб-саноғига етиш қийин. Мен Ватан бошига мусибат тушганда урушга отландим. Сталинград мудофааси учун бўлган машаққатли жангларнинг иштирокчиси бўлдим. Донбасс ва Қримни озод қилишда актив қатнашдим. Душманнинг афгар башарасини, унинг жаллод қиличини, ваҳшийлигини ўз кўзим билан кўрдим. Э-ҳа, у қаро кунларни биз кўрдик, ҳозирги ёшлар асло кўрмасин. Хурсандчилик кўз ёшларини уруш тамом бўлди, деган сўзни эшитганда кўрганман. Ўзим ҳам қувончимдан йиғлаганман. Менинг энг қувончли бахтиёр дамларим Шарқий Пруссиянинг Болтиқ бўйидаги Границ шаҳрида ғалаба сўзини эшитган пайтларимдир.

4. Мақсад сари интилиш, бурчга садоқатли бўлиш эътиқод рамзидир. Эътиқод, бу — мураккаб ва муҳим масала. Ҳар бир инсон эътиқодли бўлиши керак. Юқорида айтганимиздек, учинчи тоифа одамлар эътиқодсиз шахслардир.

1944 йилдан буён шонли КПСС аъзосиман. Шу туфайли бурчим, эътиқодим Коммунистик партиянинг Устави ва программасида ифодаланган. Партиянинг аъзоси унинг эътиқодли солдати бўлмоғи лозим. Бундан ташқари, ота-боболаримиздан қолган яхши анъаналарга эътиқод қиламан. Яхшисини олиб, ёмонини суриб чиқариб кетаверамиз. Шу ўринда улуғларни ҳурмат қилиш, волидайинларнинг хизматини бажо келтириш, ҳалол, камтарин бўлиш, меҳнатдан чўчимаслик, қалбда ҳар қандай гина-адоватларни сақламаслик зарур. Бунинг учун ҳар биримиздан зўр матонат ва эътиқод талаб қилинади.

5. Оила қуришнинг ўзи бир бахт. Бироқ, бир-бирига батамом ўхшаш оила йўқ. Баъзилар оила асоси бойлик десалар, бошқалар яхши гапни, ширин муомалани маъқул кўрадилар. Намунали интизом жорий қилинган оилалар ҳам кам эмас. Бундан ташқари, оилада интизом, катта-кичикни ҳурматлаш, сўз муомаласида ширинсуханлик бўлгани ҳам яхши. Фикримча, оилада, фарзандларга муносабатда энг муҳими бир-бирига ишонч да қўлимга калам-қова тўғри сўзликдир. Катталар қандай йўлдан юрсалар, кичиклар ҳам шундай қиладилар. Демак, аввало оилада катталар ибрат бўлишлари керак. Ҳар бир оилада хурсандчилик пайтлари ҳам, аччиқ кунлар ҳам бўлиб туради. Бунга кўникиш керак. Ёш оилалар учун мингта ширин ёки битта аччиқ гапдан кўра, битта ҳаётий намуна афзалдир. Оилада фарзандларни ёшлигидан назорат остида тарбиялаш мақсадга мувофиқдир.

6. Менинг ёшим олтмишдан ошди. Ҳозир иш шунчалик кўпки, бўш деган нарса эсдан чиқиб кетган. Бизнинг ҳунаримиз — илм. Бу шундай нарсаки, у иш куни, иш соати нима эканлигини билмайди. Илм билан ҳаммавақт, кечасию-кундузи, дам олиш кунлари, ҳаттоки, отпускадалик пайтлари ҳам машғул бўлишга тўғри келади. Шундай бўлса-да, одам барибир дам олиши керак-ку. Бундай пайтлари дилга яқин, ҳамфикр дўстлар ва шогирдлар билан сўлим тоғларга чиқиб, тоза ҳавода дам оламан. Табиат қўйнида қўлимга қалам-қоғоз олиб ишлашни ёқтираман. Оний фикрлар қоғозга тушгунча руҳий тинчлик бўлиши ҳам асло мумкин эмас. Ана шундай ўй-фикрлар ёзиб бўлингандагина, роҳат бағишловчи ҳислар пайдо бўлади. Мабодо яна ўша бўш вақт топилгудек бўлса, янги-янги нарсаларни ўқишга ва ёзишга интиламан. Бундан ташқари, битилмаган китоблар, мақолалар, улгурмаган ишлар ҳақида ўйлайман. Борган сари бундай ишлар миқдори кўпайиб кетаётгандай кўринади.

▲ ХАЛҚ ҲИКМАТЛАРИ

МЕҲР—БИР УМРЛИК

▲ Яхши отнинг харидори кўп,
▲ Эпли қизнинг — совчиси.
▲ Сепнини олма —
Эплини ол!
▲ Эпсизнинг сепи тугаса ҳам,
Эплининг эпи тугамас.
▲ Эпли келин — қарқара келин,
Эпсиз келин — масхара келин.
▲ «Ном чиқарар» тўйга борма,
Бориб доғларда қолма!
▲ Меҳрига (дунёсига) боқма —
Меҳрига боқ!
▲ Маҳр — ўткинчилик,
Меҳр — бир умрлик.
▲ Одам — меҳру-оқибати билан одам.
▲ Эплининг — оёғи олти,
Қўли — етти.
▲ Эпли келин — қутли келин,
Эпсиз келин — қутсиз келин,
▲ Эпли келин — дунё молига арзир,
Эпсиз келин — еган нонига арзимас!
▲ От олсанг — овулинг билан кенгаш,
Хотин олсанг — қариндошларинг билан.

Р. ЖУМАНИЁЗОВ тўплаган.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ БЮРОСИ

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ГЛАВТАШКЕНТСТРОЙ»

«ПРОМСТРОЙКОМПЛЕКТ» БИРЛАШМАСИГА

бетончилар, қолипчилар, арматурачилар, сувоқчилар, дурадгорлар, ғишт терувчилар, бўёқчилар, панелларни ювувчилар, қозон ва бульдозер машинистлари, газ-электр пайвандчилар, слесарлар.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

КИРОВ РАЙОНИДАГИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТАШКИЛОТЛАРИГА

ВРАЧЛАР: нейрохирурглар, невропатологлар, рентгенологлар, отоларенгологлар, психиаторлар, физиотерапевт, уурологлар; бош бухгалтер, медицина ҳамшираси, санитаркалар.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

электромонтажчи-схемачилар, автоматика ва контроль-ўлчов асбобларини созловчилар, слесарь-асбобсозлар, блокларни йиғувчи слесарлар, токарлар, фрезерчилар, прессчилар, инженер-технологлар.

СЕРГЕЛИ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

йиғувчи-клепалчилар, учиш аппаратларини йиғувчи-слесарлар, слесарь-ремонтчилар, токарлар, электромонтажчилар, машинисткалар, юкчилар, электромонтёрлар.

Ёлғиз кишилар ётоқхона билан таъминланадилар.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИДАГИ САНОАТ КОРХОНАЛАРИГА

қозон ускуналари ремонти бўйича слесарлар.

СПРАВКАЛАР ВА ИШГА ЙЎЛЛАНМАЛАР ОЛИШ УЧУН ҚУЙИДАГИ АДРЕСЛАРГА МУРОЖААТ ҚИЛИНСИН:

МАРКАЗИЙ ПУНКТ — Пролетар кўчаси, 4-уй, 3-подъезд, 5—6-хоналар.
ЛЕНИН РАЙОН ПУНКТИ — Т. Шевченко кўчаси, 64-уй.
ОКТЯБРЬ РАЙОН ПУНКТИ — У. Юсупов кўчаси, 3-уй.
ЧИЛОНЗОР РАЙОН ПУНКТИ — Чилонзор массиви, 2-квартал, 3-уй.
ФРУНЗЕ РАЙОН ПУНКТИ — Ш. Руставели кўчаси, 62-уй.
ҲАМЗА РАЙОН ПУНКТИ — М. Ҳасанова кўчаси, 3-уй.
КУЙБИШЕВ РАЙОН ПУНКТИ — К. Маркс кўчаси, 59-уй.
КИРОВ РАЙОН ПУНКТИ —Энгельс кўчаси, 48-уй.
С. РАҲИМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Қорасарой кўчаси, 270-уй.
А. ИКРОМОВ РАЙОН ПУНКТИ — Чилонзор массиви, 22-квартал, 13-уй.
СЕРГЕЛИ РАЙОН ПУНКТИ — Спутник массиви, 2-квартал, 69-уй.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитетининг
«ЭЛЕКТРОМОНТАЖ» ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН ТРЕСТИ БАЗАСИДАГИ
11-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1983—84 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича юқори малакали мутахассислар тайёрлайди: ёритиш бўйича электромонтажчи, ёритиш тармоқлари бўйича электромонтажчи, кучланиш тармоқлари ва электр ускуналари бўйича электромонтажчи, электрослесарь, электр-газ пайвандчи, иккиламчи занжирли коммутация бўйича электромонтажчи, лифтларни монтаж қилиш бўйича слесарь-монтажчи, автоматика ва контроль-ўлчов асбоблари ремонти бўйича слесарь, киномеханик (фильмларни текшириш ишларини биладиган), **радиотелевизион аппаратураларга хизмат кўрсатиш ва уларни ремонт қилиш бўйича радиомеханик** (фақат ўрта маълумотлилар қабул қилинади).

Ўқиш муддати — бир, икки ва уч йил.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотли 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинадилар.

Билим юртига 8 синф ҳажмида маълумот билан кирганлар уч йил таълим оладилар ва уларга касб эгаллаганлиги ва тўлиқ ўрта маълумот олганлиги тўғрисида диплом берилади.

Ўқувчилар кунига уч маҳал иссиқ овқат, кийим-бош билан таъминланадилар.

Ўрта маълумот билан ўқишга кирганлар ҳар ойда 76 сўм дан стипендия оладилар (киномеханик ва радиотелемеханикдан ташқари).

Ишлаб чиқариш практикаси даврида топган меҳнат ҳақининг 33 процентини ўқувчиларга берилади (электромонтажчилар группасининг ўқувчиларига эса 50 процентини берилади).

Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтган йигитлар электромонтажчи ихтисоси бўйича ўқишга кирсалар, улар учун ўқиш муддати қисқартирилади: ўрта маълумотлилар учун 7,5 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун эса 10,5 ой.

Машғулотлар группалар комплектлангандан сўнг бошланади.

Билим юртини битирганлар техникум ва олий ўқув юртларига кириб ўқишда имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини имтиёзли диплом билан тугатганлар корхоналарда мажбурий ишни ўтамасдан ўрта ва олий ўқув юртларига кириб ўқишни давом эттириш учун йўлланма билан юборилади.

Билим юртида яхши спорт базаси мавжуд. 14 та спорт секциялари, шунингдек техника ижоди, бадиий ҳаваскорлик тўгараклари ишлайди.

АРИЗА ВА ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 9.00 ДАН 17.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Кирувчилар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим: билим юрти директори номига ёзилган ариза, таржимаи ҳоли, характеристика, маълумоти тўғрисидаги ҳужжат, медицина справкаси, турар жойидан справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 3x4 см. ҳажмдаги 4 дона фотосурат.

Туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома (ёки паспорт), **ҳарбий рўйхатдан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома** (ҳарбий билет) **шахсан кўрсатилади.**

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Фрунзе районы, Ивановлик тўқувчилар кўчаси, 8-уй (2, 3, 33, 34, 58, 66, 70, 79-автобуслар, 4, 7, 9, 11, 24, 28-трамвайлар, 2, 6, 13, 15, 16-троллейбусларнинг «Тўқимачилик комбинати» бекати).

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 31/III да **Севги тумори** (12.00), **Иоланта** (19.30).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 1/IV да **Рўё**, 2/IV да **Қиёмат қарз.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 31/III да **Ёшликда берган кўнгил**, 1/IV да **Олифта**, 2/IV да **Лайли ва Мажнун.**

цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА— мактаб ўқувчиларининг баҳорги каникул кунларида **«КЕНТАВР ПЛАНЕТАСИДАН КЕЛГАН МЕХМОНЛАР»** болалар фантастик спектакли (13, 16 ва 19.30 да).

кино

31 МАРТДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КЕЧИР, АРУНА!» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.30, 16, телефон 44-21-74), **Нукус** (21.00, телефон 46-70-69).

«УЙЛАНГАН БЎЙДОҚ» —**Ватан** 18.20, 20.40; телефон 44-21-74).

«ШАҲАРНИ ЕПГАН КИШИ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-61-14), **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **Санъат саройи** (кичик зал, 19.30, 21.00, телефон 44-21-74).

«БОҚИЙ СЕВГИ МАДҲИЯСИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 78-47-25).

«СОЯБОН ЗАРБИ» — **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

«ЗОРРО» — **Қозоғистон** (12, 15, 18, 21.00, телефон 35-24-92).

«ХИТОЙ СИНДРОМИ» — **Қозоғистон** (17, 20.00, телефон 35-24-92).

«ҚОЧОҚ ИЗИДАН» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«36-80 КВАДРАТИДАГИ ҲОДИСА» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ҚОРАЯЛОҚЛАР» — **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-08-30).

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» — **К. Ёрматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«СПОРТЛОТО — 82» — **Фестиваль** (тоқ соатларда, телефон 32-78-02).

«МУҲАББАТ МОЖАРОСИ» — **Янгиобод** (тоқ соатларда, телефон 96-36-21).

«СУЮНЧИ» — **Ғ. Ғулом номли** (17, 20.00, телефон 48-42-80).

1 АПРЕЛДА

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:

«КЕЧИР, АРУНА!» — **Санъат саройи** (катта зал, 11, 13.30, 16, телефон 44-21-74), **Нукус** (21.00, телефон 46-70-69).

«УЙЛАНГАН БЎЙДОҚ» —**Ватан** 18.20, 20.40; телефон 44-21-74).

«ШАҲАРНИ ЕПГАН КИШИ» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01), **Восток** (жуфт соатларда, телефон 91-61-14), **ВЛКСМ 30 йиллиги номли** (жуфт соатларда, телефон 33-44-52), **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-14-59), **Санъат саройи** (кичик зал, 19.30, 21.00, телефон 44-21-74).

«БОҚИЙ СЕВГИ МАДҲИЯСИ» — **Тошкент Советининг 50 йиллиги номли** (11, 13.30, 16, 18.30, 21.00, телефон 78-47-25).

«СОЯБОН ЗАРБИ» — **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-15-75), **Узбекистон ССР 25 йиллиги номли** (тоқ соатларда, телефон 53-65-87).

«ЗОРРО» — **Қозоғистон** (12, 15, 18, 21.00, телефон 35-24-92).

«ХИТОЙ СИНДРОМИ» — **Қозоғистон** (11, 14, 17, 20.00, телефон 35-24-92).

«ҚОЧОҚ ИЗИДАН» — **Москва** (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«36-80 КВАДРАТИДАГИ ҲОДИСА» — **Лисунов номли** (тоқ соатларда, телефон 96-34-02).

«ҚОРАЯЛОҚЛАР» — **Мир** (тоқ соатларда, телефон 91-08-30).

«БОЛАЛАР ДУНЁСИ» — **К. Ёрматов номли** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«СПОРТЛОТО — 82» — **Фестиваль** (тоқ соатларда, телефон 32-78-02).

«МУҲАББАТ МОЖАРОСИ» — **Янгиобод** (тоқ соатларда, телефон 96-36-21).

«СУЮНЧИ» — **Ғ. Ғулом номли** (17, 20.00, телефон 48-42-80).

ТВ

31 МАРТ —ПАЙШАНБА
Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Мультфильмлар. 19.45 «1 апрелдан ёзги вақтга ўтилади». 19.55 «Максимнинг ёшлиги». Бадиий фильм. 21.30 «Время». 22.05 Фут.бол бўйича СССР чемпионати. «Спартак»—«Днепр», «Олимпийский» спорт комплексидан олиб кўрсатилади. 23.45 «Олам кино.камера кўзгусида». 00.20 «Дунё воқеалари».

Марказий телевидениенинг иккинчи программаси

18.30 Янгиликлар. 18.50 «Камалак» халқ ижодиёти телевизион программаларининг V халқаро фестивали. «Берзенца қишлоғида тўй». (Венгрия). 19.15 «Картошка ва сабзавотларни эҳтиётлаб сақланг». Илмий-оммабоп фильм. 19.30 «Беҳаловат лавозим». Телевизион ҳужжатли фильм. 19.45 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Динамо» (Минск). Тошкентдан олиб кўрсатилади. 20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». 20.45 «Кинотомошабин ҳамроҳи» 21.30 «Время». 22.05 «Диканька қишлоғи оқшомлари». Бадиий фильм. 23.10 «Қиш билан хайрлашиш». «Йил фаслларн» туркумидан телевизион фильм-концерт.

Узбекистон телевидениесининг программаси

I

17.25 Кўрсатувлар программаси. 17.30 Мактаб ўқувчилари Республика «Санъат байрами» кўрик-конкурсининг ёпилиши (В. И. Ленин номидаги СССР халқлари дўстлиги саройидан трансляция пайтида ёзиб олинган) 18.50 «Ёзги вақтга ўтамиз». 19.00 «Ҳаёт каби тирик». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Гуллар табассуми». Лирик концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Кўзгалиш кампанияси — масъулиятли давр». 22.20 «Телевизион театр почтаси». (Кўп серияли «Навоий» видеофильми ҳақида). 23.50 Янгиликлар.

II

18.25 Кўрсатувлар программаси. 19.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Биз ишчи бўламиз». 19.00 Сиртдан ўқиётган студентлар учун. Назарий механика. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Елканлар». Телефильм. 20.35 Коммунистлар ҳақида ҳикоялар». 20.50 «Чукотка усталари». Телефильм. 21.00 «Озиқ-овқат программаси амалда». 21.30 МТ II.

1 АПРЕЛЬ —ЖУМА
Марказий телевидениенинг «Восток» программаси

19.00 «Расмларда қўёш» — акси бор». 19.15 «Дунё воқеалари». 19.30 Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Брест область Каменецк районидаги «Советская Белоруссия» колхозининг раиси В. Л. Ведула сўзи. 19.45 Халқ куйлари. 20.00 Останкино концерт студиясида юмор кечаси. 21.30 «Время». 22.05 «Рус музейи». 22.35 «Дунё воқеалари». 22.50 И. Армгеймернинг «Суворийлар манзили» бир саҳнали балети. Ленинград Давлат академик Малий опера ва балет театрининг спектакли. 23.30 «Космик беланчак ҳақида гипотеза». Илмий-оммабоп фильм.

Узбекистон телевидениесининг программалари

I

11.25 Кўрсатувлар программаси. 11.30 Болалар учун. «Бойчечак» (такрорий). 12.00 «Капитан». Телевизион бадиий фильм. 12.30 «Касблар ҳақида ҳикоялар».

18.00 Кўрсатувлар программаси. 18.05 «Маза қилиб дам олдим». «Юган тутган бола». Мультфильмлар. 18.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Интернационал дўстлик клуби». 18.55 «Тошкентнинг 2000 йиллигига». 19.30 «Ахборот» (рус.). 19.45 «Эврика». Кинокўрсатув. 20.30 «Ахборот». 20.50 «Дутор ва танбур тароналари». Концерт. 21.30 Москва. «Время». 22.05 «Дунё воқеалари». 22.35 «Саҳна санъати усталари». М. Мироқилов. 23.35 Янгиликлар.

II

18.15 Кўрсатувлар программаси. 18.20 Абитуриентлар учун. Она тили. 18.55 Абитуриентлар учун. Физика. 19.50 «Мўъжиза-айлана». Телефильм. 20.00 Янгиликлар. 20.20 «Ҳовлимиздаги стадион» (рус.). 20.50 «Яшма». Телефильм. 21.00 «Она шаҳрим — Тошкентим». 21.30 МТ II.

«СНЕЖИНКА»НИНГ АФЗАЛЛИКЛАРИ

«СНЕЖИНКА» ОЗИҚ-ОВҚАТНИ САҚЛАЙДИ. МУЗЛАТАДИ, ИЧИМЛИКЛАРНИ ЯХНА ҚИЛАДИ, МУЗ ТАЙЁРЛАЙДИ.

Ҳатто кичик ошхонада ҳам «СНЕЖИНКА» холодильниги халақит бермайди: у 1/3 квадрат метрдан кўп жой эгалламайди.

Совутиш камерасининг ҳажми — 240 литр, паст даражали бўлимининг ҳажми эса 21.6 литр.

Ташқарида 30 градус иссиқ бўлса — совутиш камерасидаги температура 5° С дан юқори эмас, музлатиш бўлимида эса минус 12°С.

Ярим автоматик эритиш системаси мавжуд.

Холодильник пухта ва тежамли.

Ишлаб чиқарувчи —САМАРҚАНД ХОЛОДИЛЬНИКЛАР ЗАВОДИ.

«СНЕЖИНКА» ХОЛОДИЛЬНИГИНИ БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИДАН СОТИБ ОЛИШ МУМКИН.

ДОИМИЙ МОДАДАГИ ТРИКОТАЖ

ҚУЛАЙ ВА ГЎЗАЛ —ТРИКОТАЖ БУЮМЛАР ҲАҚИДА ШУНДАЙ ДЕПИШ МУМКИН. МОДА ҚАНЧАЛИК ЎЗГАРМАСИН, ТРИКОТАЖДАН ТИКИЛГАН КИЙИМЛАР ЗАМОНАВИЙ КИШИЛАР ГАРДЕРОБИДА ДОИМИЙ РАВИШДА ЕТАКЧИЛИК ҚИЛИБ КЕЛГАН. БИЗ ТРИКОТАЖ КИЙИМЛАРНИ ҚИШДА ВА ЁЗДА, КУЗДА ВА БАҲОРДА, ОДДИЙ КУН ВА БАЙРАМЛАРДА КИЯМИЗ.

СИЗНИ БОШ УНИВЕРСАЛ МАГАЗИНИНГ ХОТИН-ҚИЗЛАР ТРИКОТАЖИ СЕКЦИЯСИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ.

САВДОДА ҚУЙИДАГИЛАР МАВЖУД:

калта енгли, пуловер типида тикилган жемперлар (Югославия маҳсулоти). Размери — 44—46. Баҳоси 30 сўм;

калта енгли, ёқали жемперлар (Болгария маҳсулоти). Размери — 50—52. Баҳоси— 23 сўм;

узун енгли, белбоғли ярим жун костюмлар (Брест устки трикотаж фабрикаси маҳсулоти). Размери — 50—52. Баҳоси— 52 сўм 50 тийин.

Кримплен юбкалар (Венгрия маҳсулоти). Ранги хилма-хил. Размери — 44—50;

катакли трикотаж матодан тикилган юбкалар (Тошкент «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулоти). Размери — 48—50. Баҳоси 36 сўмдан 38 сўмгача.

Костюмлар (юбка ва жилет). Белоруссиянинг «Вилия» фабрикаси маҳсулоти. Размери — 44, 46, 48.

думалоқ ёқали, калта енгли жун кўйлаклар. Размери —44—50 (Тошкент «Малика» трикотаж ишлаб чиқариш бирлашмаси маҳсулоти).

«СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ БОШҚАРМАСИ БАЗАСИДАГИ
170-ШАҲАР ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1983—84 ўқув йили учун

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ЎҚИШ МУДДАТИ — 1—3 ЙИЛ.

Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича мутахассислар тайёрлайди: электр поездларининг электр ускуналарини ремонт қилувчи электро-слесарь, метрополитен станцияларининг навбатчилари, экскаватор машинистлари, тортиш подстанцияларининг электр монтёрлари, автоматика, телемеханика, алоқа, электр монтёрлари, ҳаракатдаги составни ремонт қилиш бўйича слесарь, слесарь-сантехник, электр поезд машинисти ёрдамчиси, электр пайвандчи.

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ БЎЛИМИ УЧУН ТЕПЛОВОЗ МАШИНИСТЛАРИ. Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар қабул қилинади. Ўқиш муддати—2 йил; тепловоз машинисти ёрдамчилари, электр овоз машинисти ёрдамчилари, тепловоз ремонти бўйича слесарь, товар билетлари ва багаж кассири, багажларни ва юкларни қабул қилиб олувчи-топширувчилар, лифтлар ремонти бўйича электр механик, пассажир вагонларининг проводниклари.

Ўрта маълумот билан ўқишга кирганлар ҳар ойда 30 сўм ҳажмда стипендия билан таъминланадилар, 8-синф ҳажмида маълумот билан кирганлар эса давлат таъминотида бўладилар.

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 процентини ўқувчиларга берилади.

Совет Армияси сафида ҳарбий хизматни ўтаб қайтиб келгандан сўнг тепловоз машинисти ихтисоси бўйича ўқишга кирганларга ҳар ойда 72 сўмдан стипендия берилади.

Билим юртини тугатган ҳамма ўқувчиларга ўрта маълумот ҳақида ва эгаллаган ихтисоси бўйича диплом берилади. Улар ўз касблари бўйича Тошкент шаҳрида иш билан таъминланадилар ва темир йўл транспорти ходимлари учун белгиланган имтиёзлардан фойдаланадилар.

Билим юртини имтиёзли диплом билан битирганлар олий ўқув юртларига йўлланма билан ўқишга юборилади.

Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Ҳужжатлар умумий асосларда қабул қилинади, фақат медицина комиссиясидан темирйўлчилар поликлиникасида ўтилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 2-Охунбобоев кўчаси, 68-уй (7, 9, 11, 14, 21, 24, 28-трамвайлар; 2, 6, 13, 14, 16-троллейбусларнинг «Киров номли боғ» бекати). Телефон 55-63-20.

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
127-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1983 — 84 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН
ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛАР БЎЙИЧА

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ТИКУВЧИ (эркаклар, болалар кийимлари; бичишни билган ҳолда).

Кириш имтиҳони — расм бўйича. Ўқиш муддати — 2,5 — 3,5 йил;

ЭРКАКЛАРНИНГ УСТКИ КИЙИМЛАРИНИ ТИКУВЧИ. **Ўқиш муддати — 2—2,5 йил;** ЭРКАКЛАР ВА БОЛАЛАР КИЙИМЛАРИНИ ТАЙЁРЛАШ БЎЙИЧА ТИКУВЧИ-МОТОРИСТКА. **Ўқиш муддати — 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун — 1 йил,** шу ихтисос бўйича ўқув-ишлаб чиқариш комбинатида таълим олганлар учун — 6 ой, 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун — 2—3 йил.

Билим юртини 3 йиллик таълим программаси бўйича тугатганларга ихтисоси бўйича ва тўла ўрта маълумоти тўғрисида диплом берилади.

Ўқиш давомида 8 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган ўқувчилар давлат таъминотида бўладилар, 10 синф ҳажмида маълумотлиларга ойига 30 сўм миқдорида, ўқув-ишлаб чиқариш комбинатини тугатганларга 70 сўмдан стипендия берилади. Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

УҚИШ ВАҚТИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИЛАДИ.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: паспорт ёки туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, турар жойидан справка, ота-оналарининг иш жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), директор номига ариза, 4 дона фотосурат (3x4 см. ҳажмида), мактабдан характеристика.

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адреслар: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 60-уй — Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси территорияси (2, 9, 19, 21, 26, 51, 60, 72, 81, 47, 62, 89, 94-автобуслар; 2, 16, 25, 28, 3, 22, 23-трамвайларнинг «Олой бозори» бекати).

Тошкент шаҳри, Магазин Мавзуи кўчаси, 136-уй Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тикувчилик ишлаб чиқариш бирлашмаси филиали территорияси (43, 88, 102-автобуслар; 27-трамвайнинг «Шимолий Олмазор» бекати).

Билим юрти телефони — 35-62-41.

Тошкент шаҳар, Октябрь районидаги 41-ўрта мактаб томонидан **Тоҳиров Шокир Соқиевич** номига берилган 547664 номерли йўқолган

ЎРТА МАЪЛУМОТ ТЎҒРИСИДАГИ АТТЕСТАТ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Андижон педагогика билим юрти томонидан **Мамадалиев Жамол Халилович** номига берилган 273389 номерли йўқолган

ДИПЛОМ

БЕКОР ҚИЛИНАДИ

Ўзбекистон ССР Ҳунар-техника таълими давлат комитети
161-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
8—10-синф ҳажмида маълумотга эга бўлган
ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАРНИ ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА

ЎҚИШГА ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

конфетчи, қандолатчи, новвой, совутиш қурилмалари ремонти ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича механик, нон ёпиш саноати машина ва ускуналари созловчилари, саноат ускуналарининг ремонтчи-слесарлари (нон заводлари учун).

Ўқиш муддати — 10 синф маълумоти билан — бир йил, 8-синф маълумоти билан — 3 йил.

Билим юртига 8 синф маълумоти билан қабул қилинганлар 3 маҳал бепул овқат, формали кийим-бош, яхши жиҳозланган ётоқхона билан таъминланадилар. Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ўқувчилар иш ҳақининг 33 процентн миқдорида пул мукофоти оладилар.

10 синф ҳажмида маълумотга эга ўқувчиларга ойига 30 сўмдан стипендия берилади.

Ўқиш вақти меҳнат стажига киради.

Билим юрти қошида кечки мактаб ишлаб турибди. Турли спорт секциялари, бадиий ҳаваскорлик ва бошқа тўгараклар мавжуд.

Билим юрти битирувчиларига ихтисоси бўйича 3—4 разряд берилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар ўрта ва олий ўқув юртига юборилади.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур: директор номига ариза, маълумоти тўғрисида гувоҳнома ёки аттестат, паспорт ёки туғилганлиги тўғрисида гувоҳнома, турар жойидан справка, медицина справкаси (286-форма), 6 дона фотосурат (3x4 см. ҳажмда).

МАШҒУЛОТЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНАДИ

Ўқиш юрти адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Гёте кўчаси, 52-уй (16, 89-автобусларнинг «Касб касалликлари институти» бекати, 21, 49-автобусларнинг «2-нон заводи» бекати).

«Ташгаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективи Фрунзе район эксплуатация хизмати бошлиги

Туроб Жумақулович ЖУМАҚУЛОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент Давлат педагогика институти ректорати ва индустриал-педагогика факультети коллективи катта ўқитувчи Н. Асамуддиновга отаси

Саъдулла АСАМУДДИНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкент Давлат педагогика институти коллективи химия кафедрасининг доценти Н. Ғ. Раҳматуллаевга отаси

Ғнёс РАҲМАТУЛЛАЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

4 БЕТ. ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») —орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 33-57-02, бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ — 32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари — 32-55-32; хатлар — 32-29-70; эълонлар бўлими — 33-81-42; нашриёт диспетчери — 32-78-94; шаҳар телефон станциясининг навбатчилари — 33-90-50.

31 МАРТ, 1983 й. Р — 07155. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонасида офсет усулида босилган. Тошкент шаҳри. Б-2015. ИНДЕКС 64690